БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

Ёш ленинчи

1990 йил
9 январь
Сешанба
№ 6 (13.442).
Баҳоси 3 тийин.

• Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган • ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Комсомол турмуши: қайта қуриш қандай бормоқда?

Бойқўнғирдаги «келинчак»

...БИР КУНИ Дилоромни вилоят комсомол қўмитаси котибаси Елена Измайлова хонасида кўриб қолдим.

— Бизлар Бойқўнғирга бормоқчимиз, ҳарбий бўлинма комсомолларининг йиғинида қатнашгани, — деб қолди.

Тўғриси, буям комсомол қўмиталаридаги «таҳсинга лойиқ» тадбирларнинг бири. Амалга ё ошади, ё... деган хаёлга бордим. Эртаси куни иш билан Бухорога кетдим-у, бир ҳафтадан кейин келиб эшитдим:

— Самарқанд ноҳия комсомол қўмитаси ходимлари Бойқўнғир космодромига бориб келишибди.

Ва қолган гапларнинг ҳамма-ҳаммасини — ноҳия комсомол қўмитаси котибаси Дилором Мамедова сўзлаб берди.

— Тўғриси, у ерга бориб келгандан бери бир фикр тинчлик бермайди, Амалдаги ишнинг қувончи. Ахир у ерда ўз йигитлик бурчини ўтаётган йигитларимизга қанчалик хурсанд бўлишди. Энди бу анъанани давом эттирмоқчимиз.

Аслида бу воқеа қандай содир бўлди?

Оддий кунларнинг бирида ноҳия комсомол қўмитасига бир мактуб келди. Бойқўнғирдаги бўлинма бошлиғининг комсомол ишлари бўйича ёрдамчиси Владимир Акулич ўша ерда хизмат қилаётган ўзбек йигитлари учун ўз тилларида нашр этилган китоблар юборишларини сўраган эди. Ва яқинда бўладиган йиғинларида қатнашишга таклиф этганди.

Бу мактуб одатдагидек бир неча минутдан кейин унутилмади. «Китобларни юборсак юборамиз-да», деган фикрга ҳам келинмади.

Хулласи калом, 11 кишилик группа қайдасан Бойқўнғир деб йўлга чиқишди. Китоблар ҳам олинди. Самарқанднинг кўкатлари, нонлари ҳам ёддан чиқмади. Ноҳия маданият уйи қошида ташкил этилган «Шашмақом» ашула ва рақс ансамбли алоҳида концерт программаси тайёрлади.

Энди бу ёғини ўша ерда бўлиб қайтганларнинг ўзлари ҳикоя қилишсин. Ахир улар бу воқеаларни ўз кўзлари билан кўришган.

Ҳазрат ИСМОИЛОВ — ноҳия фирқа қўмитаси ходими:

— Тўғриси, бизнинг бошлиғимиз йигитларни шунчалик севинтиради, деб ўйламаган эдим. Ўзбек болалари билан учрашдик. Фарзандларини кўргани борган ота-оналарни ҳам учратдик, гаплашдик. Улар «Ўзбекистон комсомоли» ташвиқот поезди ҳарбий бўлинмаларга ҳам келиб туришини, биздардан бу талабларини уларга етказишимизни илтимос қилишди.

— Демак, ҳаммаси кўнгилдагидек?

— Мен бундай демоқчи эмасман. Йигитларнинг кайфияти яхши. Янгиликлар ҳақида кўп сўрашди. Ҳарбий тайёргарликка мактабларида яхши эътибор берилмагани хизмат давомида сезилганини айтишди. Хулоса шуки, бошланғич ҳарбий таълим, жисмоний тарбия ўқитувчиларига жиддий эътибор берилиши керак. Бу фанлар мутахассис ўқитувчилар қўлига берилсин.

Шуни сездимки, ўзбек йигитларида катталарнинг олдида жим туриш, одоб сақлаш кучли. Бу ўз фикрларини очиқ-аниқ айтишга қўймайди. Ўзбек йигитлари билан давра суҳбати ўтказдик. Ўшанда улар ўз фикрларини айтишга қийналишди. Бу вазиятни мен мактабларда тилни, фикрни баён қилишга юзаки қараганликнинг натижаси деб биламан.

Ҳазрат Исмоиловнинг бу гапи бир воқеани ёдимга солди. Бир шикоят хатини текширгани боргандик. Арз қилувчи мақсадини аниқ тушунтира олмади. Шунда уни ёшлигида ўқитган ўқитувчиси дашном берди.

— Бунча бўшашмасанг. Сени биров уришаётгани йўқ. Нима бўлганини батафсил тушунтириб берсанг-чи. Гапиришни ҳам билмайсан-е, — деди. Ўшанда арз қилувчи боланинг жаҳли чиқди.

— Бунинг учун мени эмас, ўзингизни айбланг, муаллим. Чунки бизга тилни сиз ўргатгансиз, — деди.

Муаллим лол эди.

Нимагадир бу воқеалар бир-бирига боғлиққа ўхшайверади, ўхшайверади.

Дилоромнинг ҳикояси:

— Биз бу ердан китоблар олиб кетган эдик. Уларни топширдик ҳам. Бир пайт бўлинма командирлари нима ҳақдадир тортишиб қолишди. Билсам, улар бу китобларни кимларга совға қилишга келишолмай қолишган экан. Ҳарқалай, китобларни қадрини биладиганларга топширганлигимиздан мамнун бўлдим.

«Шашмақом»нинг концерт бошлашини йигитлар интиқ кутишаётгани ҳақида ёзилган бир варақ қоғоз қаердандир олдимга келиб қолди.

Ансамблнинг доирачиси Одилжон Соҳибов учун бу ташрифимиз қўшалоқ қувонч бўлди. У доирасини берилиб чалар экан, залдан «Одил!» деган ҳайқириқ эшитилди. Одилнинг қўшниси — Мавлон Ҳалилов ўша бўлинмада хизмат қилаётган экан. Аскарлар Комила Расулова, Дилфуза Зокировалар ижросидаги халқ термаларини, ашулаларини, шарқ халқлари қўшиқларини ҳам мириқиб тинглашди.

Эртаси куни йигитларга палов қилиб бердик. Паловни Ҳазрат Исмоилов тайёрлади.

Ю. Гагарин уй-музейига саёҳатга бордик.

Бу анъанани давом эттирамиз. Лоақал кабинетларда ўтириб, тоза ҳавога дилимиз ташна бўлганда яқинларимиздан хабар олайлик, — дейди Дилором.

Энди уларга миллий кийимларимиз, таомларимиз тасвири туширилган суратлар юбормоқчимиз. Кимки жумҳуриятимиздан бориб Бойқўнғирда хизмат қилса, альбомни кўриб, соғинчига малҳам топар.

Дарвоқе, бир гапни унутибман. Энди тақдир тақозоси билан Бойқўнғир космодромида хизмат қилган йигитлар комсомоллар хонасида, катта ўйинчоқ-келинчакни кўриб ажабланмасин. Бу ҳам Самарқанд ноҳия комсомол қўмитаси, тўғрироғи, Дилором Мамедованинг иши бўлади.

— Уйимда ўйинчоқ-келинчак бор. Уни Бойқўнғирдаги ҳарбийларга жўнатаман. Ҳар бир хизматдаги йигитларимизни ўз юртларида азиз кишилари кутишаётганини, улар омон қайтишлари қарз эканлигини ҳис қилиб яшашсин, чимилдиқда келинчакни кўриб ҳайратланиш онлари насиб этсин, — дейди Дилором.

Г. АЛИБОЕВА,
«Ёш ленинчи» мухбири.
Самарқанд вилояти.



Кимёхон Қосимова билан Садихон Мамарасуловалар Наманган аврли шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор тўқувчиларидан ҳисобланади. Улар меҳнат қилаётган шойи тўқув цехида ҳар ойда 550 минг погон метр атлас ҳамда 250 минг погон метр беқасам тўқиб чиқарилмоқда. Бу газламалар Покистон, Сурия ва Франция мамлакатларига жўнатиляпти.

СУРАТДА: шойи тўқувчи қизлар Кимёхон Қосимова ва Садихон Мамарасуловалар.

А. МИРЗАЖОНОВ сурати.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасида

ЁШЛАР РАНЖИМАСИН

Жумҳуриятимиз саноат корхоналарида меҳнат қилаётган ёш мутахассисларни қийнаётган муаммолар талайгина. Ҳаёт уларни шу кеча-кундузда ҳал этишни тақозо этмоқда.

Наманганлик Абдушокир Жўраевнинг гаплари мунозарага сабаб бўлди.

— Ўқиш бошқа-ю, иш бошқа экан, — деди у. — Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг технологиясини яхши тушунаман. Аммо иқтисодий билимим етарли эмас. Сабаби, институтда бу фандан бор-йўғи олти ой дарс ўтганмиз. Менингча, институтларда талабаларнинг фикрларини мана шу масалага жалб этиш, иложи бўлса, дарслар соатини кўпайтирган маъқул.

— Дарсларни кўпайтириш билан бу масалани ҳал этиб бўлмайди, — дея гапга қўшилди бухоролик инженер Жаббор Ниёзов. — Ўз касбининг моҳир устаси бўламан, деган киши мустақил шуғулланиб, билимини ошириб борсагина кўзлаган мақсадга етади. Бизнинг талабалар билим учун эмас, баҳо учун жон куйдиришади.

Америкалик профессордан: «Сизнинг талабаларингиз шпаргалка ишлатишадими?» деб сўраганларида ҳайрон бўлган экан. Бизда эса у газак олган. Оқибатда, ҳар томонлама зарар кўрмоқдамиз.

— Муаммоларимиз, ҳақиқатан ҳам, жуда кўп, — дейди биз билан суҳбатда Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол қўмитаси котиби Абдуворис Мавлонов. — Ишчиларимизнинг 4 мингги комсомол аъзолари бўлган йигит-қизлардир. Уларнинг орасида биздан юз ўгираётганлари ҳам йўқ эмас. Нега шундай? Уй-жой масаласини ҳал эта оламизми? Йўқ! Уларга моддий, маънавий ёрдам беришга қурбимиз етадими? Албатта, йўқ! Маблағсиз киши отсиз йўловчига ўхшайди. Шу кунларда биз ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтишга ҳозирлик кўряпмиз. Келажакда ишларимизнинг изга тушиб кетишига ишонаман.

Марғилон «Атлас» бирлашмасининг Пандалар тайёрлаш фабрикаси комсомол қўмитаси котиби Асилжон Йўлдошевнинг номзоди вилоят Совети депутатлигига кўрсатилган экан.

— Комсомолнинг югурдак ташкилот эмаслиги ҳақида такрор-такрор бонг уряпмиз. Аммо айрим коммунистларимиз бизга ҳамон бюрократларча муносабатда бўлаяптилар, — дейди у куюнчаклик билан. — Мустақил ҳаракат қилишимиз эса уларга ёқмаётганга ўхшайди. Менга номзодингни оласан, деб ҳатто дағдаға ҳам қилишди.

Шу ва шунга ўхшаш ҳодисалар ёшларнинг эркин ҳаракат қилишларига халақит бермоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси мана шу масалага эътиборни қаратди. Жумҳуриятимиз енгил саноат корхоналарида меҳнат қилаётган ёш мутахассисларни ташвишлантираётган муаммолар жиддий ўрганилади ва тегишли чора-тадбирлар белгиланади.

Тўлқин ҲАЙИТ.

Жумҳурият янгиликлари

◆ СИРДАРЁ вилоятининг тоғ этагида жойлашган «Фориш» совхози буғдойзорларига яшил гилам тўшалгандек бўлиб қолди. Яхши ишлов берилган ерга экилган уруғлик бир текис униб чиқди. Шунга қарамай, форишлик деҳқонлар ҳозир дам олиш кунларисиз ишлашмоқда. Чунки йил бошида ёғингарчилик одатдагидан кам бўлди ва тупроққа нам етишмаслиги мумкин — шунинг учун кўпгина участкаларда қўшимча суғориш ишлари бошлаб юборилди. Экинлар яқин атрофдаги тоғ дарёларининг суви билан суғорилмоқда. Айни пайтда далаларга ўғит солинмоқда.

◆ АНДИЖОН вилоятининг Фрунзе номли совхоз меҳнаткашлари юқори сифатли уруғлик етказиб берганлари учун Татаристондан ташаккурнома олдилар. Ўтган мавсумда бу ерда пиёз, сабзи, турп, лавлаги уруғлигидан мўл ҳосил етиштирилди. Деҳқонлар пландан ташқари бутун маҳсулотни мамлакатнинг бошқа регионларига жўнатдилар. Уни сотишдан тушган маблағ янги турар-жой посёлкаси, маданият саройи ва соғломлаштириш комплексини қуришга сарфланади.

◆ ХОРАЗМ вилоятида пахта толасидан болалар, эркаклар ва аёллар кийими тайёрлайдиган комбинат қурилиши учун қарийб 50 миллион сўм ажратилди. Бу қўшма корхонани ташкил этишда Кипр ва Қувайт фирмалари қатнашаяпти. Маҳаллий қурилиш ташкилотлари комбинатни лойиҳага мувофиқ шу йилнинг ўзидаёқ Гурлан ноҳиясидаги «Коммунизм» колхозида бунёд этадилар.

Йигириш, тўқиш ва маҳсулотни тикиш учун дастгоҳларни чет эллик шериклар етказиб беришади. Маҳсулот ички ва ташқи бозорларда сотилади. Комбинат қурилиши аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини қисман ҳал этишга, эркин муомалада бўладиган валюта олишга ёрдам беради. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ МАШҲУР КИШИЛАРИ

Тўғриси, бундан бир ой бурун Ўзбекистоннинг энг машҳур кишиларини аниқлаш ҳақида газетамизда эълон берганимиздан сўнг, бироз чўчинқираб ҳам юрдик. Бордию бизнинг бу сўровимизга ҳеч ким жавоб бермасая, деган шубҳа тинчлик бермасди. Қолаверса, бу олатасир замонда, одамларнинг кўп нарсадан кўнгли қолиб бораётган бир пайтда яхшилар, юртга қайишадиган кишилар қоптими ўзи, дегувчилар ҳам йўқ эмасди.

Лекин бу шубҳаларимиз бекор бўлиб чиқди. Ҳали юртимизда яхши одамлар, халқ учун жон куйдирадиган ажойиб кишилар жуда ҳам кўп экан. Бунга сўровимизга жавоб тариқасида бизга йўлланган 3 мингдан ортиқ хатлар, гулқоғозлар, телеграммалар, борингки, адресли телефон қўнғироқлари гувоҳликка ўтади. Уларнинг ҳар бирида ўтган йилимизда ўзини эмас, одамларни ўйлаган ажойиб заҳматкаш кишилар ҳақида фахр билан ҳикоя қилинган.

Шуниси характерлики, хатларнинг кўпчилигида муаллифлар ўз қишлоқларидаги, ноҳияларидаги, шаҳарларидаги қалби бутун, дадил кишилар ҳақида, уларнинг кўпчилик учун, маҳалла-куй учун олиб бораётган фидойи ишлари ҳақида ёзишган. Афсуски улардан ҳозир парчалар келтиришнинг иложи йўқ. Чунки унда газетамизнинг ушбу сони ҳам етмаслиги турган гап. Энг муҳими, биз юртимизда халқпарвар инсонлар кўплигига яна бир карра иқрор бўлдик.

Жуда кўпчилик хатларда Ўзбекистоннинг энг машҳур кишилари деб асосан зиёлилар, шоир ва ёзувчилар, журналистлар тан олинган. Улар орасида ёзувчи Одил Ёқубов, шоир Муҳаммад Солиҳ, Гулчеҳра Нуруллаева, Мирза Кенжабоев, «Бирлик» норасмий ҳаракатининг фаолларидан бири Абдураҳим Пўлатов, тележурналист Дадахон Ёқубов ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Давлат План комитетининг раиси Ш. Р. Мирсаидовлар бор.

Натижада, бир неча кун ўтириб хатларни бирма-бир ҳисоб-китоб қилишга тўғри келди. ва энг кўп овоз олган қуйидаги ҳамюртларимиз Ўзбекистоннинг энг машҳур кишилари деб топилди:

1. Эркин Воҳидов — Ўзбекистон ССР халқ шоири.

2. Эркин Юсупов — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, СССР халқ депутати.

3. Дадахон Ҳасан — шоир ва ҳофиз.

Шунингдек, сўровимизда биз ўтган йилда халқнинг юзини ерга қаратган кишиларни ҳам аниқлашни газетхонларимиздан сўраган эдик. Уларнинг аксарияти ўз хатларида И. Усмонхўжаев, Р. Абдуллаева, О. Гайданов, А. Дидоренко, Т. Гдлян, А. Иванов, В. П. Анишчевлардан ранжиганликларини ёзишган.

Шундай қилиб сўровимиз якунланди. Унда кўрсатилганларнинг барчасини бизга йўлланган хатлар орқали белгиладик. Қолаверса, ниятимиз фақат уларни аниқлашгина эмасди. Ниятимиз жумҳуриятимиздаги ҳар бир кишини бундан кейин ҳам халқ учун хайрли ишларга чоғлаш, юртпарвар ва жасоратли бўлишга ундаш эди. Чунки бундай сўровни янги йилимизнинг ниҳоясида яна бир бор ўтказиш ниятимиз бор. Демак сўров давом этади. (Ваъдамиз бўйича Ўзбекистоннинг энг машҳур кишилари билан мусоҳабалар уюштираяпмиз. Уларни яқин кунларда ўқийсиз).

Сўнгги соатда

◆ НЬЮ-ЙОРК. Кўп марта фойдаланиладиган «Колумбия» космик кемаси экипажи составидан беш нафар америкалик астронавт жума куни Флорида штатининг Канаверал бурнида жойлашган космодромга келди.

Бироқ келаси душанба куни АҚШ шарқий соҳили вақти билан эрталаб соат 8 дан 10 минут ўтганга мўлжаллаб қўйилган учириш об-ҳавонинг ноқулайлиги сабабли кечиктирилиши мумкин.

◆ МАНАГУА. Жума куни бу ерда ТУ-154М пассажир самолётининг учиши намойиш қилинди.

Бу билан ана шу замонавий совет ҳаво кемасини Никарагуага совға қилиш тантанали маросими очилди. Никарагуанинг «Аэроника» эмблемаси туширилган реактив машина Манагуа халқаро аэропорти устида доира ясаб кўп кишилик томошабинларнинг қарсаклари остида бетон йўлкага оҳиста қўнди.

Совет ҳукумати Никарагуа халқига совға қилган янги самолёт республика граждан авиацияси имкониятларини кўпайтиради.

◆ ГАВАНА. Ўтган бир кеча-кундузда Салвадорнинг шимолий департаментларида Фарабундо Марти номли Миллий Озодлик Фронти отрядлари билан ҳукумат қўшинлари бўлинмалари ўртасида қонли жанглар бўлиб ўтди.

Қўзғолончиларнинг «Венсеремос» ва «Фарабундо Марти» радиостанцияларининг хабар қилишича, Чалатенанго ва Кускатлан департаментларидаги жанглар натижасида ҳар икки томоннинг аскарларига талафот етган.

◆ ПАРИЖ. Журналист касби ҳозирги дунёдаги энг «хавфли» касблардан бири бўлиб турибди. «Чегара билмас репортёрлар» халқаро ташкилоти ана шундай хулоса чиқарди, бу ташкилотга кўпгина мамлакатларнинг журналистлари уюшган бўлиб, у матбуот ва ахборот эркинлигини таъминлаш принципининг рўёбга чиқишини кузатиб туради.

Ушбу ташкилотнинг қароргоҳи Франциянинг Монпелье шаҳрида жойлашган, 1989 йилда 65 журналист, деб таъкидланади мазкур ташкилотнинг бу ерда тарқатилган докладида, ўзининг профессионал бурчини адо этаётган пайтда ҳалок бўлди. Куни кечагина машҳур Француз телевидение журналисти Ж. -Л. Кальдерон Руминиядаги воқеалар вақтида ҳалок бўлди. Лотин Америкаси мамлакатларида 43 та журналист, жумладан, Колумбияда 15, Сальвадорда 11, Перуда 7 журналист ҳалок бўлди.

Ўтган йили 241 журналист қамоққа олинди, чет эллик 97 мухбир ўзи ишлаётган мамлакатдан чиқариб юборилди. Маъмурлар 169 марта журналистларнинг профессионал фаолиятига аралашганлиги рўйхатга олинди. Докладда журналистлар ўз вазифаларини бажаришаётганида «ниҳоятда хавфли минтақаларга» дуч келишаётган жойлар белгилаб чиқилган. Масалан, Туркия раҳбарлари қамоққа оламиз, деб дағдаға қилиб, оммавий ахборот воситаларида Курд муаммосини кўтариб чиқишни тақиқлаб қўйишган, Исроил маъмурлари эса Фаластин ва Исроил матбуоти вакилларига қарши қаттиққўллик билан чоралар кўришмоқда. Илгари бўлганидек, ҳозир ҳам Африка жанубидаги журналистларга цензура тазйиқ ўтказмоқда.

Айни вақтда бир қанча давлатларда оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш учун самарали тадбирлар кўрилмоқда. Бу, аввало, Шарқий Европа мамлакатларига даҳлдордир. Ҳужжат муаллифларининг фикрича, Чили ва Парагвайда матбуот органларига сўз эркинлиги бериш бобида нисбий ўзгаришлар бор.

Сўнгги соатда

Комсомолда ҳисобот ва сайловлар

Комсомолнинг томири

Коммунистик ноҳияси билан Наримонов шаҳри бирлаштирилгач, ўтган йили ягона шаҳар комсомол қўмитаси ташкил этилди. Унга етакчи қилиб Мурод Олимбоев сайланган эди. Шу орада қўмита изланувчан, ташаббускор йигит-қизлар билан мустаҳкамланди. Шаҳар комсомолларининг дастлабки ҳисобот-сайлов конференциясида эришилган муваффақиятлар билан бирга камчиликларга ҳам жиддий баҳо берилди. Очиғини айтганда, ҳозирги вақтдаги долзарб муаммолар, жиддий масалалар олдида муваффақиятлар дарёдан томчи, холос.

Чунончи, котибнинг ҳисобот маърузасида «Ҳуқуқбузарликни камайтириш, гиёҳвандликка қарши кураш, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш мақсадида «Гвардеец» клуби ташкил топган», дейилади. Аммо клуб раҳбари Бахтиёр Ҳаитов билан суҳбатлашганда...

— Ҳақиқатан ҳам, клуб ташкил этганмиз. Лекин муқим жойимиз йўқ. Қолаверса, зарур жиҳозлар, спорт кийимлари етишмайди. Мен бу борада бир неча бор мутасадди раҳбарларга учрашиб, ёрдам сўраганман. Бироқ ҳозирга қадар шарт-шароитимиз талабга жавоб бермайди, — деб куйиниб гапирди у.

Энг ачинарлиси ҳозирги кунда ёшлар ўртасида жиноят, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, хуллас турли қонун бузиш ҳоллари ўсиб бораётганлигидир. Масалан, ўсмирлар томонидан 1988 йилда 25 марта жиноятга қўл урилган бўлса, шу йилнинг ўн бир ойида бу кўрсаткич 55 тани ташкил этди.

Жорий йилнинг ўн бир ойи мобайнида балоғатга етмаган ёшлар томонидан 599 марта турли қонун бузиш ҳоллари содир этилганлиги қайд этилди.

Узоқдан кўриниб турибдики, ёшлар тақдирига бўлган лоқайдлик ана шундай хунук воқеаларга олиб келмоқда. Шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни фойдали ишларга, спортга, санъатга жалб этиш, қизиқарли ўйинлар билан шуғулланишлари учун қулайликлар яратишга панжа орасидан қараб келинмоқда. Афсуски, бу ҳақда тегишли раҳбарлар, масъул кишилар жиддий бош қотиришмаяпти. Комсомол қўмитаси ҳам бундан истисно эмас. Конференция делегатлари билан суҳбатлашганимда улар расмиятчилик, сўз билан ишнинг бир эмаслиги, бюрократларча муносабатда бўлиш ҳоллари ҳамон барҳам топмаётганлиги ҳақида ачиниб гапиришди.

Ноҳия байналмилалчи жангчилар кенгашининг раиси Бахтиёр КОШАЕВ:


— Афғонистон тупроғида шаҳид бўлган ўн бир нафар аскар йигитларнинг хотирасини абадийлаштириш масаласи пайсалга солиниб келинмоқда. Дастлаб шу масалани кўтарганимизда, маблағ йўқлигини баҳона қилишганди. Шундан сўнг халқдан йиғилган 6 минг сўмдан ошиқ маблағга ёдгорлик ўрнатишга қарор қилдик. Афсуски, — дейди Бахтиёр сўзида давом этиб, — биз ёдгорлик лойиҳасини тайёрлаб келишимизга қарамасдан уни тегишли масъул кишилар вақтида тасдиқлашмади. Шу тариқа ёдгорликнинг очилиш муддати ўтиб бормоқда...


Афсуски, бундай муаммолар кўп. Энг муҳими, назаримда, комсомол ташкилотларининг уларни ҳал этишга уринаётганида. Ҳисобот-сайлов конференциясидан чиқарган хулосам шу бўлди.

Конференцияда сайланган шаҳар комсомол қўмитасининг пленумида ташкилий масала кўрилиб, М. Олибоев шаҳар комсомол қўмитасининг биринчи котиби этиб сайланди.

С. РУСТАМОВ.
«Ёш ленинчи»нинг штатсиз мухбири.







Ҳаммага баробар

Боҳабармиз. Шифокорлар ҳақида ғайритабиий фикрлар кўпайди. Баъзида ишонтиролмайсан, улар орасида ҳам қасамёдига, касбига содиқлар борлигига. Ўрмонга ўт кетса ҳўли-қуруқ бир ёнади, дейди мақолчилар. Назаримизда ана шу «ёнаётган»лар ичида ҳалол тиббиётчилар ҳам бор.

Шулар ҳақида гапираётиб, баъзида ўйланиб қоласан. Балким, танқид ўнга бўлганда, деган фикрлар бизни чалғитгандир. Сабаби, ошкоралик, қайта қуриш шамоли эсаяптики, деган ўй билан ўйлаб-ўйламай гапиравердик, қоралайвердик. Кейин билсак, ҳамма ўғри, порахўр, қаллоб эмас экан. Шукрки, виждонидан, имонидан кечмаганлар бор экан. Улар бўлишади ҳам.

Ана шундайлар Шаҳрисабз ноҳияси марказий касалхонасида борлигидан дилинг равшанлашади. Шифохона Чоршанба посёлкасида жойлашган. Йўл юзида, шовқин-суронли жойга қурилганлигини ҳисобга олмаса, шифохона бежирим. Тўғри, унинг замон талабларига жавоб бермайдиган бинолари ҳам бор. Лекин аста-секин ижобий томонга ўзгаришлар бўляпти.

Икки оғиз сўз касалхонадаги туғруқхона ҳақида. У 110 ўринли. Ишга туширилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Ускуналари замонавий. Янги инсоннинг дунёга келишида 14 врач бош-қош. Бўлимга эса иқтидорли, ёш мутахассис Улаш Ярашов мудирлик қилади.

— Оналарнинг камқонлиги бизни кўп қийнаяпти, — дейди Улаш. — Турли-туман касалга чалинган оналарнинг туғруқхонага келаётгани ташвишлантиради. Деярли ҳаммаси тиббий муолажага муҳтож. Аёллар нимжон, заиф, кам куч.

Қўли енгил, одамохун жарроҳлар ҳақида гап кетганда Саъдулла Қурбонов, Абдулла Исмоиловларнинг номи тилга олинади. Уларнинг тиббий кўмакларидан ёш-қари рози. Ўртада самимият бўлганиданми, хасталар уларни ўзларига яқин тутадилар. Ҳамширалар Қўйсин Сафарова, Назира Номозова, Собира Абдуллаеваларнинг муолажаси ширинсуханлигига уйғун. Аслида уларда ҳам ўзига яраша таҳлика, ташвиш оз эмас. Ҳамиша ҳам бировнинг дилидагини топиш оғир. Қишлоқларда инсон саломатлигига кам эътибор берилиши, бефарқликдан жарроҳлар юрак олдириб қўйган. Негаки, энг оғир паллада, пичоқ суякка бориб тақалгач, шифокорга мурожаат қилишади.

— Бизда ҳам бундай ҳоллар бот-бот учраб туради, — дейди реанимация бўлимининг мудири Хайрулла Эшматов. — Ҳамиша жарроҳлар билан бирга ишлашимизга тўғри келади. Беморнинг ўлим тўшагида, энг сўнгги нафаси қолганда бизларга олиб келишади. Унга ишонч билан табиий ҳолга айланган.

Шукрки, ишимиз ёмон эмас. Врачларимиз анча иқтидорли. Бизга лаборатория врачи Эркин Бозоров кўп ёрдам қилади. Муолажага аниқ хулосаларнинг ўрни беқадр.

Реанимация бўлими олти ўринли. Баъзида ўнта, ундан зиёд бемор олишга тўғри келади. Ўша кезларда бош ҳамшира Роза Ҳусниддинова тиним йўқ. Дори-дармон, қаров унинг зиммасида. Унга ҳамшира Малоҳат Холиқова кўмакдош.

Ишқилиб, елиб-югуришлари натижаси бўлсинда.

Э. ҚУРБОН.

Муҳаммад АМИН суратга олган.

Одамлар эҳтиёжини ўйлаб

Янги йилнинг дастлабки кунида Андижон механика заводида ишлаб чиқариш биноси фойдаланишга топширилди. Бунинг натижасида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, улар сифатини яхшилаш мумкин бўлади.

Ишлаб чиқариш биноси қарийб 6 минг квадрат метр майдонни эгаллаган.

Жумҳурият Қурилиш министрлигининг 162-тресги бригадалари бунёд этган цехга ярим автомат линиялар, энг янги босма ва термопласт автоматлар ўрнатилган. Улар қўл меҳнатидан фойдаланишни деярли бутунлай истисно этади.

Корхона директорининг ўринбосари Р. Абдуқодировнинг хабар қилишича, янги қувватлар маҳсулот ишлаб чиқаришни йилига 25 фоиз кўпайтириш имконини беради. Шу йилнинг ўзидаёқ савдога қарийб 7 миллион сўмлик оммавий эҳтиёж буюмлари чиқарилади. Ўзбекистон дўконлари пештахталарида ва ундан ташқарида ҳам кўплаб йиғма каровотлар, болалар манежлари, боғларга ўрнатиладиган арғимчоқлар, деворга ўрнатиладиган илгичлар, боғларда ишлатиладиган замбилғалтаклар пайдо бўлади. Янги буюмлар ҳам чиқарилади: масалан, болаларнинг «Маҳмуджон» деб аталган аравачасини олайлик. Янги цехнинг меҳнат соҳасидаги таржимаи ҳоли ана шу аравачаларни кўплаб ишлаб чиқариш билан бошланди.

Кооператорлар ташаббуси

Хонқа ноҳия матлубот жамиятининг универсал қабул пункти савдо тармоқларига мева-сабзавот консервалари, қуруқ мевалар, тузламалар, гўшт маҳсулотлари ва бошқа кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бера бошлади. Маҳсулотни сотишда деҳқонлар ташвишини ўз зиммасига олишни анчадан бери ўйлаб юрган кооператорларга ноҳия матлубот жамиятининг ремонт-қурилиш бригадаси меҳнаткашлари ёрдам беришди. Улар қисқа муддат ичида қайта ишлаш цехлари ва омборхоналари бўлган қабул пунктини қуриб бердилар, механизмларни ўрнатдилар.

Хўжалик ҳисоби асосида 15 киши ишлайдиган универсал пункт колхоз бозорларидан хом ашё сотиб олади. Бу кўпинча эгалари ўз вақтида сотиб улгурмаган маҳсулот бўлади. Шахсий ёрдамчи хўжаликлардан қўй-эчкилар ва қорамоллар сотиб олинади. Ишнинг бундай усули деҳқонлар учун ҳам қулайдир — ўз нарсасини сотиш учун бозорда узоқ ўтириб, вақтларини бекорга кетказишга эҳтиёж қолмайди. Хоразм вилоятидаги бошқа матлубот жамиятлари ходимлари Хива кооператорларининг тажрибасига эътибор бера бошладилар.

(ЎзТАГ).

Иқтисод ва ҳаёт

ДЕҲҚОН ВА ЗАМОН

3. Боқиманда «миллионерлар»

Деҳқонни эрксизлигидан фойдаланиб уни узлуксиз сўраётган ташкилотлардан бири — пахта заводларидир. Хўжаликларга пахта хом ашёси учун ҳақ тўла қиймати бўйича эмас, балки харид нархининг 90 фоизи миқдорида тўланмоқда. Агар планда белгиланган тола чиқиши таъминланса, қийматнинг қолгани хўжаликларга тўланади. Акс ҳолда ўша сумманинг ярми хўжаликларга қайтарилади, қолгани пахта заводлари ихтиёрида қолаверади. Агар амалда тола чиқиши планда кўзда тутилгандан ортиб кетса, хўжаликлар пландан ташқари, чиққан тола учун қийматнинг 80 фоизини, пахта заводлари эса 20 фоизини оладилар. Шу ўринда пахта заводлари ишлаб чиқаришга қатнашмай шунча пулни нега олиб қолади, деган савол туғилади. Нега деҳқон тола чиқиш кўрсаткичларини белгилашда қатнашмайди? Чунки пахта сотувчилар билан заводлар орасидаги амалдаги иқтисодий механизм пахта заводлари фойдасига мослаштирилган.

Ҳозир пахтадан олинадиган чигит, шулха ва бошқа маҳсулотларнинг давлат харид нархи салкам икки марта ошди, лекин бундан деҳқон бир тийин ололмайди. У пуллар ҳам пахта заводининг чўнтагида қолиб кетаётир. Пахтани заводдагилар чет элга сотади. Ундан келаётган валютадан бир тийин ҳам колхоз ҳисобига тушмайди. Олдинлари пахтадан келаётган ҳар бир сўм валютанинг 18 тийини Ўзбекистон ихтиёрига, 5 тийини эса пахта заводлари ихтиёрига қоларди. Энди 70 тийини жумҳуриятимиз ихтиёрида, унинг ярмидан кўпи пахта заводи чўнтагига тушади. Колхозгачи? Деҳқонгачи? Бир тийин ҳам йўқ.

Ҳозир пахтага тўланадиган пул миқдори бироз ошди. Бу яхши. Адолат озми-кўпми тикланди. Аммо пахта заводлари бундан иқтисодий манфаатдор эмаслар. Шунинг учун ҳам улар пахтанинг навларини сунъий равишда тушириб қабул қилишлари табиий ҳол. Ҳали кўрамиз. Пахта заводи ютадими? Ёки колхозчилар? Ҳар ҳолда, заводдагилар бўш келмаслиги аниқ.

Шу йил баҳорда, Нишон ноҳияси пахта заводи ходимлари ишчилари билан суҳбатлашдим. Суҳбат давомида директордан қанча валюталаринг бор ва шунинг қанчасини деҳқонларга берасизлар, деб сўрадим. Бизнинг ихтиёримизда 230 минг сўмга яқин валюта бор, шундан бир тийинини ҳам колхоз, совхозларга бермоқчи эмасмиз, деган жавоб бўлди. Тўғри, улар пахтани сотиб олган — ўзи хўжайин.

Пахта заводлари билан колхоз, совхозлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни бутунлай қайта қуриш зарур. Заводлар хўжаликларнинг ўзаро уюшмалари ихтиёрида туриши керак. Шундагина ҳозирги деҳқонга нисбатан адолатсизликнинг яна бир илдизи қирқилади.

Ўзбекистон бўйича 1987 йили қишлоқ хўжалигида 240,7 минг ҳар хил техника: трактор, комбайн, пахта териш машиналари бор. Механизатор, тракторчи, комбайнчиларнинг умумий сони эса 200 минг киши. Демак, 40,7 минг техника эгасиз. Иккинчи томондан улар деҳқончилик ишларини ҳар хил турларига мўлжалланган. Масалан, трактор фақатгина баҳор ва кузда, пахта териш машиналари ва комбайнлар эса кузда бир-икки ой ишлатилади, холос. Қисқаси уларнинг иш фаолияти бир йилда 2—3 ойни ташкил этади. Шундай қиммат техникадан бундай фойдаланишни иқтисодий бузғунчилик, деб атайдилар. Деҳқонга қандай техника керак? Унга битта техника билан ҳам экиш, ўриш, йиғиштириш, ер ҳайдаш ва бошқа шунга ўхшаш ишларни бажариш имконини берадиган техника керак. Улар эса йўқ. Эҳтиёждан узоқ бўлган техника эса кўп. Жумҳурият бўйича қишлоқ хўжалигида 20,4 миллиард сўмлик ишлаб чиқариш фондлари бор. Улар ёрдамида олинадиган миллий даромад эса бор-йўғи 6,7 миллиард сўм. Бу иқтисодий вайроналикдир. Буни унча-мунча иқтисодиёт кўтаролмайди. Деҳқон буни қандай кўтариб келаяпти?

Бошлиқлар ижарачига қанча ҳосил етиштириш, қандай нархда ва кимга сотиш кераклигини белгилаб қўйганлар. Ижара шартномасини кўплаб мураккаб ҳисоб-китоблар билан тўлдириб ташлаганлар. Унинг 30 дан ортиқ шарти бор. Деҳқоннинг ҳар қадами олдингидан ҳам маҳкамроқ занжирланган.

Менимча, ижарани, оила пудрати, звено ёки бригада пудратини икки хил вариантда ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Биринчиси. Ижарачи ва пудратчилар давлатга (колхоз, совхозга) ердан фойдаланганни учун ижара ҳақи тўлайди. Пул ёки натурал шаклда. Бўлди. Қолган ишда тўла иқтисодий мустақил. Пахта экадими, помидор ёки карам ёхуд шафтоли экадими, деҳқоннинг иши. Ўз маҳсулотини кимга сотишини ҳам ўзи белгилайди. Бу вариантда ҳар бир гектар ернинг ўз картаси бўлиб, ундан қанча даромад олиш мумкинлиги ёзилган бўлиши зарур. Ер эса конкурс асосида ижарачиларга берилади. Яъни ҳар бир гектар ер ким ошди савдосига қўйилади. Ва ер даромадни кўп олиш мумкин бўлган деҳқон ихтиёрига ўтади. Ижара муддати деҳқонга боғлиқ. Хоҳласа, беш йилга, хоҳласа бир умрга олиши мумкин.

Иккинчиси. Ер деҳқонларга имконига қараб ва иложи борича тенг бўлиб берилади. Давлат билан улар ўртасидаги ижара шартномаси баҳолар системаси орқали бўлади. Масалан, давлат ҳамма қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нархини белгилайди. (Баҳо мавсумга қараб ўзгариб туриши мумкин). Деҳқон баҳолар жадвалига ва имконига қараб, экин турларини ўзи белгилаб олади. Давлат шу орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжларни ҳамда ўзига керак бўлган фойда нормасини бошқариб боради.

Деҳқонларнинг оилавий якка тартибдаги меҳнат фаолиятига ва шахсий томорқаларда ишлаётганларга нисбатан янгича ёндашув зарур. Улар ижтимоий жиҳатдан «оқланиши» керак. Кооперация сингари бу фаолиятларнинг ҳам ҳуқуқлари тикланиши даркор. Улар колхозчи ва совхоз ишчилари сингари меҳнат дафтарчасига эга бўлиши ва пенсия билан таъминланиши тўғри бўлур эди. Чунки, юқорида айтилганидек, шахсий хўжаликларнинг деҳқончиликда ўрни жуда катта. Уларнинг етиштирган маҳсулоти жумҳуриятда барча колхозларда етиштирилган маҳсулотдан анча ортиқ. Демак, уларнинг меҳнат дафтарчаси ва пенсияга тўла ҳақлари бор. Шу пайтгача шахсий хўжаликлар феодализмнинг сарқити ва йўқ бўлиб кетиши керак, деган дунёқараш билан юрдик. Улар ўз маҳсулотларини бозорларда сотса, чайқовчи дедик. Уни бозордан қувдик. Савдогар деб қамадик. Ҳаёт эса ишнинг бу шаклини иқтисодий жиҳатдан нақадар самарадор эканлигини кўрсатди. Ўзбекистонда шахсий томорқа хўжалиги ва якка меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи деҳқонларни ривожлантириш учун бошқа иттифоқдош жумҳуриятлардан кўра имконият нақадар яхши. Бундан фақат тўғри фойдалана билиш керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг шахсий томорқа хўжалигини ривожлантириш ҳақидаги яқинда қабул қилган қарори, назаримда, ўз вақтида қилинган муҳим иш ва шахсий томорқа ва якка тартибда фаолият кўрсатаётган деҳқонларни ижтимоий «оқлаш» учун қўйилган жиддий қадам бўлди.

Баъзи бир олимларимиз ҳам ижара усулига қарши чиқишмоқда. Гўёки ерни деҳқонларга тарқатиб берсак, аҳолини боқишга ер етишмай қолади. Яъни ҳозир Ўзбекистондаги суғориладиган ерлар аҳоли жон бошига 20 сотихдан тўғри келади. Аҳолининг бундай тез кўпайишида яна 15—20 йилдан кейин 10 сотихдан тўғри келади. «Очарчиликни ўшанда кўрасан». Бундай қараганда бу фикрда ҳам жон бордек. Аслида асоссиз. Агар уларнинг фикри тўғри бўлганда эди, яъни аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ер билан мамлакатнинг тўқлиги аниқланганда эди ГФР, Чехословакия ва Япония халқлари қачондан бери очарчиликда, биз эса жаннатда яшаган бўлар эдик. Чунки ГФРда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ер 0,5 сотих, Чехословакияда, эса — 2,4 сотих. Улар оч эмас, биз эса жаннатда эмасмиз. Иккинчидан, аҳоли кўпайишининг ўз қонуниятлари, сабаблари бор. Улар на ерга, на ижарага боғлиқ. Бу биринчидан. Иккинчидан, ерни ижарага бермасак, унинг размери кўпаядими ёки у ўсадими? Ижара бўладими ёки йўқми ўша ер қанча бўлса, шунча қолаверади. Ижарани ёки шахсий ер участкаларини ривожлантиришнинг яхши томони шундаки, ер эгалик бўлади. Ҳозир эса юқорида айтилганидек, эгасиз. Эгасизликнинг оқибатлари эса бизга маълум.

Баъзилар эса ижарани ишсизлик билан боғламоқдалар. Гўёки у ишсизликни келтириб чиқаради. Баъзи бир олимлар Фарғона воқеаларининг иқтисодий илдизини ижарадан кўриб, ўзларининг эски, назарий қарашларини яна исботламоқчи бўлаяптилар ва одамларда ижарага қарши кайфият уйғотиб, уни бешикдаёқ бўғиб ташламоқчи бўлаётирлар. Ижарани ишсизлик билан боғлаш бизнинг жумҳуриятимиз учун ижарага қарши жуда хафли тўлқинни келтириб чиқариши мумкин. Чунки ўзбекистонликлар ишсизликни «буржуа газеталардан» эмас, ҳаётда нима эканлигини жуда яхши биладилар. Келинг, бу ҳақда батафсилроқ фикр юритиб кўрайлик. Гарчи ишсизлик ижарадан олдин ҳам мавжуд эди ва улар орасида боғлиқлик йўқ деб бу мунозарага нуқта қўйиш мумкин бўлса ҳам. Аммо, ишсизлик муаммоси жуда жиддий масала. Шу сабабли у ҳақида дангалроқ мушоҳада қилишга тўғри келади.

Бизни мактаб партасиданоқ салкам 60 йилдан бери, давлат мукофотини олган дарсликлар билан СССРда ишсизликнинг охирги эшикларига 1930 йил қулф урилган, деб ўқитиб келишади. Масалан, 1988 йил 23-марта рус, 15-марта ўзбек тилида нашр қилинган ва 1980 йили СССР Давлат мукофотини олган ўрта мактаб битирувчилари ва ўрта махсус ўқув юртлари учун жамиятшунослик дарслигининг 162—163 бетларини ўқийлик. «Социализмдаги меҳнат шароитларида юз берган ўзгаришларнинг энг муҳимларидан бири шундаки, бизнинг мамлакатимизда меҳнатга ярокли ҳамма кишилар иш билан таъминланган. 1930 йил СССРдаги энг охирги меҳнат биржаси эшигига қулф солинди ва ўшандан буён Советлар мамлакатининг ёш авлоди ишсизлик нима эканлигини фақат китобларда ва капиталистик мамлакатлардаги ишсизлик тўғрисида газеталарда босилган хабарлардан ўқиб билади. Бизда ишсизлик йўқ». Қанийди шундай бўлса.

Ишсизлик кеча ёки бугун чиққан, ёхуд ижарадан пайдо бўлган муаммо эмас. У ишлаб чиқаришни ташкил қилиш усулининг ўзида бор. Бизда бошқаришнинг тармоқ усули шу пайтгача асосий бўлиб келди. Шу сабаб, масалан, Ўзбекистонда иш жойларининг 95 фоизи Иттифоқ ва иттифоқдош министрликлари қўлида. Улар иш жойлари қаерда кўпроқ фойда келтирса, ўша ерда завод ёки фабрика қурадилар. Ишсизлик уларни ўйлантирадиган муаммо эмас. Бу ҳақида маҳаллий ташкилотлар «ғамхўрлик» қилиши керак. Уларда эса на пул, на бошқа ресурслар бор. Маҳаллий ташкилотларнинг бу ишдаги ҳуқуқи номигагина, холос.

Ёки бошқа мисол. Ўттизинчи йиллардан бери ҳозиргача пахта хом ашёсининг 90 фоизи Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида қайта ишланаётир. Жумҳурият ҳукумати эса бу мутаносибликларни, масалан 80 ёки 60 га туширишга кучи етмайди. Чунки, унда юқорида таъкидланганидек ресурс ва ҳуқуқ йўқ. Улар Иттифоқдош ва иттифоқ министрликларининг ихтиёрида. Бу ишсизликни келтириб чиқариш сабабининг биринчиси ва асосийси.

Иккинчи сабаби. Шу пайтгача ишсизлик ҳақида расмий ташкилот раҳбарлари гапиришга чўчирдилар. Ўзбекистонда ишсизлик муаммосини ҳеч ким — на маҳаллий ташкилотлар, на илмий текшириш институти ўрганмаган. Бор-йўғи, бундан бир-икки йил олдин Ўзбекистон Компартияси МК топшириғи билан бу масалага жиддий эътибор берила бошланди. Кўпчиликни иш билан таъминлай олмаса ҳам, ҳар бир ноҳияда ишга жойлаштириш бюролари (марказлари) эндигина атак-чечак бўлаяпти.

Деҳқонга ер бериш, ишончим комилки, ишсизликни келтириб чиқармайди. Аксинча, тугатишга ёрдам беради. Чунки деҳқон учун маҳсулотни тайёрловчи, сотувчи кези келса, қайта ишловчи керак. Иқтисодий жиҳатдан деҳқон бундан манфаатдор. Унга ишчи кучи жуда керак бўлади. Иккинчидан, ишсизлар асосан қишлоқлардаги хотин-қизлар. Улар кичик-кичик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи цех, корхоналарда бемалол ишлашлари мумкин.

Баъзи бир раҳбарлар деҳқонга ер ва эрк беришдан қўрқадилар, гўёки деҳқон ўз маҳсулотини сотмай қўяди, план бажариимайди, ёки ўзи истаган нархда сотиб баҳони ошириб юборади. Бу фикрлар ҳам асосли эмас. Бозорталаб маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши бозордаги нархни белгилайди. У давлат нархидан ҳам паст тушиб кетиши мумкин.

Деҳқонларга ерларни тарқатиб бериш керак. Ўзбекистоннинг суғориладиган майдонлари, ўрта ҳисобда, ҳар бир деҳқонга 2 гектардан беришга етади. Жумҳуриятимиз шароитида ҳар гектар ердан камида, 10 минг сўмлик даромад қила олади. Шундан 2 минг сўмини ердан фойдаланганини учун деҳқон давлатга солиқ тўласа ҳам, ҳозирги ўта «социалистик» давлат ерларидан олинадиган соф фойдадан 2—2,5 баравар кўп фойда олинади. Қолган қисми эса деҳқоннинг турмуш тарзини, яшаш шароитини тубдан яхшилаш имконини беради. Шу ердан бир гапни равшанлаштириб ўтиш керак. Жумҳуриятимизда жамоа хўжалиги асосида иш юритиб, миллионерга айланган хўжаликлар бор. Улар жамоа бўлиш, иш юритишни миридан сиригача биладилар. Бундай хўжаликларда иш юритишнинг ўзларига маълум шакллари қолавериши мумкин.

Гапнинг индалосини айтганда, деҳқоннинг ерга эгалиги ҳуқуқларини қайтадан, тезда тиклаш зарур. Ўшандагина деҳқон ерни у эса ҳаммамизни боқади.

Фарҳод РЎЗИЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.

(Охири. Биринчи, иккинчи мақолалар газетанинг 3 ва 4 январь сонларида).

Хорижданхабарлар

Ағдарилган диктатор Николае Чаушеску ва унинг хотини Руминиядан қочишга урина туриб, куч ишлатиб, автомобилни қўлга киритишди. Қўрқиб кетган уч боланинг отасига тўппонча билан дағдаға қилиб, «Яшашни истасанг, ҳайда!» деб буйруқ қилишди.

Француз рўзномаси «Либерасьон»нинг тавсифига қараганда, номиёқ ҳаммани даҳшатга соладиган «Секуритате» хизматининг икки нафар ходими билан бирга машинада бораётган эр-хотин Чаушескулар Николае Петришорни Бухарестдан 70 км. узоқликда, Тирговиште қишлоғи яқинида қўлга олишган.

Тахминан кундузи соат иккиларда Петришор кўчада машинасини юваётганида ёнида машина тўхтаб, ундан бир киши отилиб чиққан. У тўппонча силкиб Петришорни машинасига туртиб киргизган ва ҳайдашни буюрган.

Бир неча дақиқадан сўнг, муюлишдан бурилганларида, у автомобилга йўловчиларни олиш учун Петришорга тўхташни буюрган.

Н. Чаушескунинг ҳибсга олиниши тўғрисида

РЕЙТЕР АГЕНТЛИГИ ХАБАРИ

Николае Чаушеску қути ўчган ҳайдовчи ёнига, хотини эса орқа ўриндиққа ўтирганлар. Петришорнинг гапига қараганда, Елена Чаушеску «Яшашни истасанг, ҳайда!» деб дўқ урган. Петришорнинг қўшимча қилишича, бир неча марта унинг бўйнига бир нарсани, чамаси тўппончани қадаган.

Чаушескунинг Бухарестдаги инқилобий кучлардан қочишга бўлган муваффақиятсиз уриниши тўғрисидаги аввалги тасвирда айтилишича, эр-хотин автомобилда шофёр билан бирга қўлга олинганди. Уларни текширув пунктида полициячи таниб қолган эди.

Руминия армиясининг офицери капитан Михай Лупой жума куни Англия телевидениесига берган маълумотда айтилишича, Чаушескунинг вертолёти уларни олдиндан белгилаб қўйилган жойга олиб бориб қўйган. У ерда уларни автомобил кутиб турганди. Ҳарбийлар томонидан қўлга олинишгач эса, уч кун мобайнида уларни зирҳли машинада ушлаб туришган, сўнгра улар суд қилиниб, қатл этилган эдилар.

«Либерасьон»нинг хабарига қараганда, Петришор шундай деб айтган: тахминан уч соатдан сўнг тугаган оғир синовлардан кейин Елена ўрмонга яширинишни таклиф этган, Николае эса ёрдамни фабрикалардан излаш лозимлигини билдирган.

Аммо биринчи бор тўхтаганларида ишчилар эр-хотинни таниб, улар ўтирган автомобилни тошбўрон қилганлар, «Жиноятчиларга ўлим!» деб бақирганлар.

Чаушеску бу ҳолни кўриб чидолмай, йиғлаб юборган. Петришорнинг гапига қараганда, у шундай деб айтган: «Мен ёш эканлигимда бу ерда ҳеч вақо йўқ эди. Мен уларга ҳамма нарсани бердим, мен уларга ҳамма нарсани бердим».

Автомобилда кетаётиб ўз рақибларининг овозини радиодан эшитган Чаушеску: «Йўқотинг буни. Лаънати радионинг унини ўчиринг», деб айтган.

Тирговиште кўчаларида эр-хотинни ёшлар пайқаб қолишган, улар бошпана топишга умид қилган компартиянинг маҳаллий қўмитаси биноси эшиклари берк бўлган. Қўмита ходимлари эса уларнинг бу ердан кетишларини талаб қилиб, қичқирганлар.

Кўчалар ва қишлоқ йўлларидан беҳуда бошпана излашлардан сўнг улар, ниҳоят корхоналар муҳофазаси маркази олдида тўхташган. Петришор бинога кириб, эр-хотин Чаушескулар унинг машинасида ўтиришганини айтганда, телевизор кўраётган ўнга яқин киши уни мазах қилиб кулган.

Бундан сал илгари Руминия телевидениеси уларнинг ҳибсга олинганини хабар қилган, пича вақт ўтгач уни рад этиб, яна бироздан кейин айтилган хабар рост эканлигини тасдиқлаганди.

Петришорнинг қўрқувдан қотиб қолган кўринишигина охир оқибатда уларни ишонтирди. Петришор Чаушескуни бино ичкарисига олиб киргунча, улар ҳарбийларни чақиришди. «Либерасьон» рўзномасининг хабарига қараганда, Петришор «Николае совуқдан титрарди», — деб айтган.

Николае ва Елена Чаушеску устидан суд

Ўтган ҳафтада сешанбадан чоршанбага ўтар кечаси Руминия телевидениеси Николае ва Елена Чаушескуларнинг устидан бўлган суд жараёнини намойиш этди. Бугун биз Франс Пресс агентлиги томонидан берилган ушбу суд жараёнининг батафсил баёнини чоп этмоқдамиз.

«Биринчи кўриниш. Николае ҳамда Елена Чаушеску аскар ва шифокор турган хонага киришади. Шифокор Николае Чаушескуга мурожаат қилади: «Ҳозир мен қон томирларингиз босимини ўлчайман». (Телефон қўнғироғи эшитилади). Шифокор (босимни ўлчайди): «Олтмиш, етмиш... Соғлиғингиз ҳақида бирор нарса дея оласизми?». Жавоб йўқ.

Шифокор Елена Чаушескунинг олдига келади. «Марҳамат, айтинг, касал эмасмисиз, тиббий ёрдамга муҳтож эмасмисиз?». Елена: «Менга ҳеч нарса керак эмас.»

«Иккинчи кўриниш. Николае ва Елена Чаушеску стол атрофида ўтиришибди. Бир кишининг овози эшитилиб туради, уни кўрсатув охиригача ҳам бирор марта кўрсатишмайди. Шубҳасиз, у ҳарбий трибунал айбловчиси: «Сиз нега халқ номидан бу ишларни қилганингиз тўғрисида гапириш имконига эгасиз. Ўзингларни оқлаш учун бирор нарса дея оласизми?» Яна кимнингдир овози эшитилади: «Туринг, бу трибунал». Николае Чаушеску: «Мен мамлакат Конституциясини тан оламан». Айбловчининг овози: «25 йил давомида сен халқни хўрладинг, 25 йил сен фақат бир нарсани билардинг, холос — гапиришни».

Н. Чаушеску: Мен ҳеч қандай трибунални тан олмайман. Мен фақат Буюк миллий йиғинни тан оламан. Бу давлат тўнтаришидир.

Айбловчи: Биз сизни мамлакат Конституциясига мувофиқ суд қилаяпмиз. Ҳозир бизга ақл ўргатиш пайти эмас. Нима қилиш кераклигини ўзимиз жуда яхши биламиз, қонунлардан ҳам хабаримиз бор.

Н. Чаушеску: Мен бирорта ҳам саволингизга жавоб бермайман.

Айбловчи: Айбланувчи ва унинг хотинининг ҳашаматли оромгоҳлари, дабдабали сарполари бор эди, улар кўзни қамаштирувчи зиёфатлар уюштиришар, халқ эса бор-йўғи 200 грамм колбасага эга эди, холос. Яна ўшани олиш учун ҳам шахсини тасдиқловчи гувоҳнома кўрсатиши зарур эди. Сен халқни таладинг, ҳатто бугун ҳам буни инкор этаяпсан. У гапиришни истамасмиш, аблаҳ. Биз ҳаммасини биламиз. Жаноб одил суд вакиллари, жаноб раис, ҳурматли трибунал биз инсон ҳуқуқларига зид ҳаракатлар қилган, халққа қарши ҳаракат қилган Николае ва Елена Чаушескуни суд қиламиз. У қилган жиноятлар ва (унинг айби билан ҳалок бўлган) қурбонлар учун мен ўлим жазосини талаб қиламан. Айбнома ўқиб эшиттирилади.

Айбловчи: Айбланувчи Николае Чаушеску, ўрнингиздан туринг. (Чаушеску турмайди). Айбловни эшитдингми?

Н. Чаушеску: Мен фақат Буюк миллий йиғин олдида жавоб бераман, бу айбларни тан олмайман. Мен фақат Буюк йиғин олдида сўзламоқчиман.

Айбловчи: Котибдан бу гапни ҳужжатлаштиришни сўрайди.

Н. Чаушеску: Мен ҳеч нарсага имзо чекмайман.

Айбловчи: Сизлар мамлакатдаги аҳволни биласизлар. Дори-дармонлар, озиқ-овқат, электр қуввати етишмайди. Уйларда иситгич йўқ. Тимишоаредаги қирғин кимнинг буйруғи билан бўлди? (Сукут).

Айбловчи котибга: Ёзиб қўйинг, у бу саволга жавоб беришдан бош тортаяпти.

Айбловчи: Бухарестда оломонга қараб ўқ узишни ким буюрди: Ҳозир ҳам бегуноҳ одамларни отиш давом этаяпти. Ўқ узаётган шафқатсизлар ким?

Н. Чаушеску: Мен жавоб бермайман. Дворцовая майдонида ўқ узилгани йўқ, ҳеч ким ҳалок бўлгани йўқ.

Айбловчи: Бугунги кунгача турли шаҳарларда 64 мингдан зиёд киши ҳалок бўлган. Сен халқни қашшоқликка олиб келдинг. Кўп маълумотли кишилар, олимлар сендан қутулиш учун мамлакатни ташлаб кетишди. Халққа қараб ўқ узаётган чет элдан ёлланганлар кимлар? Ким уларни бу ерга таклиф қилди? (Сукут).

Елена Чаушеску: Бу иғвогарлик.

Н. Чаушеску: Мен бу саволга жавоб беришдан бош тортаман.

Айбловчи: Буниси тузукроқ гапираркан.

Е. Чаушеску: Ҳа.

Айбловчи: Қаршингизда на гапиришни, на ўқишни биладиган саводсиз олим турибди.

Е. Чаушеску: Бу гапларни эшитиб, менинг ҳамкасбларим (бу мамлакат зиёлилари) нима деб ўйлашаркин, деган савол бераяпман ўзимга ўзим.

Айбловчи: Қандай сабаблар жавоб қайтаришингизга ҳалал бераяпти?

Н. Чаушеску: Мен фақат Буюк миллий йиғин ва ишчилар синфи олдида жавоб бераман. (Иккалалари ҳам паст овозда гапиришади). Мен фақат ишчилар синфини тан оламан. Давлат тўнтариши муаллифлари олдида жавоб бермайман. Ёлланма аскарларни сиз ўзингиз таклиф қилгансиз. Биз бошқа ҳокимият органига эгамиз. Бу мамлакатда сизни ҳеч ким тан олмаяпти ва шу сабабли халқ курашни давом эттираяпти.

Кейин Н. Чаушеску мамлакатдаги вазиятни издан чиқариш, унинг дахлсизлиги ва мустақиллигига зарар етказиш мақсадида Руминиянинг ички ишларига аралашган чет давлатларнинг жосуслик хизматини қоралайди.

Айбловчи: Халқ нега жанг қилаяпти?

Н. Чаушеску: Халқ мустақиллик ва миллий дахлсизлик йўлида жанг қилаяпти.

Айбловчи: Сен давлат тўнтариши чет эл жосуслари томонидан амалга оширилди, дедингми?

Н. Чаушеску: Мен ҳақиқатни айтадиган кун ҳали келишига умид қилувчи оддий бир фуқароман.

Айбловчи: Сен ҳам хотининг сингари давлатдаги ва ҳукуматдаги барча амалларингдан бўшатилганлигингни биласанми?

Н. ва Е. Чаушеску: Ҳа.

Айбловчи: Сен ҳукумат ағдарилганидан хабаринг борми?

Н. Чаушеску: Сен қонунни ҳурмат қилишинг керак. Мен Руминия президенти ва қуролли кучларнинг Олий бош қўмондониман. Мен ҳеч нимага интилмайман, оддий фуқароман.

Айбловчи: Оддий фуқароми ёки президент?

Н. Чаушеску: Руминия президенти ва қуролли кучларининг Олий бош қўмондони. Мен фақат Буюк миллий йиғин олдида жавоб бераман.

Е. Чаушеску: Бу қандай кўзбўямачилик давлат тўнтариши уюштирганлар...

Айбловчи: Нега сен халқни камситдинг? Деҳқон ўзи етиштирган ғалладан пиширилган нонни сотиб олиш учун шаҳарга келарди. Нега сен халқни очарчиликка олиб келдинг?

Н. Чаушеску: Мен жавоб бермайман. Оддий фуқаро сифатида айтмоқчиманки, халқ оилага эмас, киши бошига 200 грамм буғдойга эга эди.

Айбловчи: Бу — нотўғри, бу — ёлғон.

Н. Чаушеску: Нима?

Айбловчи: Сен қоғозга бошқа нарсани ёзар эдинг, ҳаёт эса бошқача эди. Сен бу ҳақда ҳеч ўйлаганмисан? Қишлоқларни йўқотиш режаси, бу ҳақда ўйлаганмисан?

Н. Чаушеску: Қишлоқлар ҳеч қачон бугунгидай бой бўлган эмас. Мен касалхоналар, мактаблар қурдим, дунёнинг ҳеч қайси мамлакатида бундай нарсалар йўқ.

Айбловчи: Сўнгги савол. Мен қизинг (Зояни) кошонасини кўрдим, унда чет элдан келтирилган гўштни (итлар учун) тортиш учун олтин тарози бор эди.

Е. Чаушеску: Қандай кошона? У барча сингари квартирада яшайди. Унинг ҳеч нарсаси йўқ. У бошқалардай яшарди... Ақл бовар қилмайди, қандай шармандагарчилик!

Айбловчи: Энди Чаушеску Швейцария банкидаги жамғармаси ҳақида гапириб берсин.

Е. Чаушеску: Исбот, исбот, исбот.

Н. Чаушеску: Ҳеч қандай жамғарма йўқ, сиз иғвогарсиз.

Айбловчи: Яхши, яхши, ҳеч қандай жамғарма йўқ, бироқ у бўлса пуллар Руминия давлатига ўтишига розимисиз.

Айбловчи: Аризага қўл қўясанми?

Н. Чаушеску: Мен ҳеч қандай ариза ёзаётганим йўқ, трибунал ноқонуний, мен фақат Буюк йиғинни тан оламан. Сизлар давлат тўнтариши қилдингиз, сиз халқ олдида жавоб берадиган кун келади.

Айбловчи: (Е. Чаушескуга мурожаат қилиб): Балки сен бирор нарса қўшимча қиларсан? 2-кабинет тўғрисида нима дея оласан? (2-кабинет — Елена Чаушеску Марказий Қўмита биносида эгаллаган ҳашаматли кабинет. — **Франс Пресс изоҳи**). Тимишоаредаги қирғин ҳақида нима биласан?

Е. Чаушеску: Йўқ.

Айбловчи: Сен фақат фан, полимерлар билан шуғулланардинг. (Фанлар академияси президенти Елена Чаушеску қўли остидаги бир гуруҳ кимёгарлар илмий, жумладан, полимерлар тўғрисида рисолалар ёзишар, у эса асарларни ўз номидан чиқарарди. — **Франс Пресс изоҳи**).

Н. Чаушеску: Чет элда чоп этилган рисолалар мавжуд.

Е. Чаушеску: Мен Руминия Фанлар академиясининг президентиман, мен бош нозирнинг биринчи муовиниман.

Айбловчи: Тимишоаре ҳақида нима биласан?

Е. Чаушеску: Мен бирорта ҳам саволга жавоб бермайман. (Айбланувчилар жуда паст овозда сўзлашади ва вақти-вақти билан норозилик ишоралари билдиришади).

Айбловчи: Бухарестда ўлдирилган кишилар тўғрисида нима дея оласиз? Қатағончилар «Секуритате» вакиллари ми? «Секуритате» Бош қўмондонликка бўйсунмайдими?

Н. Чаушеску: Тимишоаредаги қирғин ҳақидами? (У жавоб бермоқчи бўлади, бироқ айбловчи уни чўрт кесади).

Айбловчи: Мен сен билан гаплашиб бўлдим. Энди у билан гаплашаяпман. Генерал Миля қандай ўлди? (У Тимишоаредаги қўзғолон кунлари ўлдирилган. У қўзғолонни бостиришдан бош тортган деб тахмин қилинаяпти. — **Франс Пресс изоҳи**).

Е. Чаушеску: Буни шифокор ва одамлардан сўранглар.

Н. Чаушеску: Мен тергов ўтказаман.

Айбловчи: Нега сен Миляни сотқинликда айбладинг ва нега ҳақ қасосдан қочиб ўзини ўзи ўлдирди дединг?

Н. Чаушеску: Миля сотқин эди. У якка кетди ва ўз-ўзини ўлдирди. Сипоҳийлар айтишдики, у тартиб ўрнатиш тўғрисидаги буйруқларни бажармабди.

Айбловчи: Биз ҳамкорлик қилишимиз мумкин. Ахир иккалангиз ҳам ақлли кишиларсиз. Сизнинг асарларингизга чет элда қанақа пул тўлашарди?

Е. Чаушеску: Ҳм, албатта...

Н. Чаушеску: Нега Миля бизни сотди?

Айбловчи: Елена Чаушеску, эсинг жойидами?

Е. Чаушеску: Бу — пасткашлик. Сенда уят йўқ экан.

Айбловчи: Мен бу саволни шунинг учун ҳам бердимки, агар сиз жавоб бера оладиган аҳволда бўлмасангиз, сизнинг имконингиз бор. Мен сўнгги бор айтаяпман, савол беринг.

Е. Чаушеску: Ҳеч нарса дема, кўриб турибсан-ку, буларнинг ҳаммаси бор-йўғи...

Н. Чаушеску: Мен мағлубиятни ҳам, бошқа нарсани ҳам тан олмайман.

Е. Чаушеску: Трибунални ҳам. Мен ҳеч нарсага имзо чекмайман. 14 ёшимдан халқ учун курашганман ва халқ — бу бизнинг халқимиз.

Тасвир ортидаги овоз суд маслаҳатлашиб олиш учун залдан чиқишини эълон қилади. Тасвир узилади, сўнгра яна айбловчининг овозини эшитамиз: Биз айбланувчиларни жиноят мажмуасининг 162, 163, 165 ва 357-моддаларига мувофиқ айбдор ҳисоблаймиз. Фавқулодда ҳарбий трибунал бугун, 25 декабрь куни, қуйидаги ҳукмни эълон қилади: бор мол-мулкни мусодара қилиш ва ўлим жазоси.

Шундан сўнг ҳимоячи чиқади, у ҳам тасвир ортида: оқловчи сифатида мен бошқа ҳар қандай кишига нисбатан бу ишни қилганимдек ўз бурчимни бажараман. Миллий Нажот Кенгаши ҳукуматни ва барча раҳбар органларни ҳокимиятдан узоқлаштириш чораларини кўрди. Демак, мен ҳимоячи сифатида айбланувчиларни судга топширишда қонунчилик бузилишига йўл қўйилмади, деб ҳисоблайман. Улар имзо чекишга рози бўлишадими, йўқми, далиллар бор ва уларни суд қилиш мумкин... Далиллар қаршисида айтаманки, улар айбдор. Шундай бўлсада, трибуналдан илтимос қиламан: қабул қилинадиган ҳукм бир-бировимиздан қасд олиш бўлиб қолмасин...

Кейин айблов бандлари санаб ўтилади. Ҳимоячи биронтасига норозилик билдирмайди.

Айбловчи: Қарор қабул қилиш жуда қийин негаки, айбланувчилар, ҳаттоки одил суд қаршисида ҳам нафақат Тимишоаре, Бухарестдаги қирғинларни, балки 25 йил давомидаги жиноятларини тан олишмаяпти. Бу жиноятлар халқнинг очлигида, иситгич ва электр қувватидан маҳрумлигида намоён бўлди. Энг охири бу фикрга қарши жиноятдир. Бегуноҳ болалар танклар остида мажақланишди. Сиз «Секуритате» сипоҳийларига ҳарбий кийим кийдириб халқни армияга қарши қўймоқчи бўлдингиз. Агар сиз ўзингизга ўхшаган қарияларни ҳам отганингизда эди... Сиз касалхоналарда уларнинг оғзидан кислород найларини тортиб олдингиз, сиз қон зардоби сақланаётган омборларни портлатдингиз. (Н. Чаушеску жилмаяди). Миллий Нажот кенгашини қонунсиз деб айтаяпсиз, бироқ 1947 йил ҳокимият собиқ Руминия қироли Михайдан тортиб олинганида ҳам шундай вазият юзага келган эди... Лекин қиролнинг сиздан кўра ҳурмати кўпроқ эди. Сиз Эрондан сиёсий бошпана сўрашга, чет эл банкларида жамғармаларингизни сақлаб қолиш имконига эга эдингиз. (Чаушеску кулади).

Е. Чаушеску: Ҳа, ҳа.

Айбловчи: Ҳозир эса сиз трибунални мазах қилаяпсиз. (Н. Чаушеску такаббурона соатига қарайди).

Айбловчи: Одамлар сизга яна қанча вақт чидашсин? Дуч келган вақт қамоққа олинишга, наша билан укол қилиниб, руҳий касалхонага юборилиш қўрқувига қанча чидаш мумкин?

Е. Чаушеску: Менинг ҳамкасбларим айтишсин: бу тўғрими ёки ёлғонми.

Айбловчи: Сенинг энг катта хатонг шунда бўлдики, Тимишоаредаги жиноятдан сўнг оломонни тўпладинг. Одамларни тўплашдай ғаламис қарор қабул қилдинг.

Е. Чаушеску: Улар болаларни ўлдирдиларинг дейишаяпти, бу ёлғон.

Айбловчи: Айбланувчи Николае Чаушеску...

Н. Чаушеску: Мен айбланувчи эмасман, мен Руминия президенти ва қуролли кучларнинг Олий бош қўмондониман. Мен Буюк миллий йиғин олдида гапирмоқчиман.

У хотинига ўгирилади: нима дединг?

Айбловчига мурожаат қилиб: Сен халқни сотаяпсан, сен Руминия мустақиллигига путур етказаяпсан.

Айбловчи: Биз сен билан баҳслашиб ўтирмаймиз.

Шу вақт (курсиларнинг тақир-туқурига қараганда) трибунал аъзолари ўринларидан туришади.

Е. Чаушеску: Йўқ, азизим, биз турмаймиз...

Айбловчи: Фавқулодда ҳарбий трибунал бир овоздан айбланувчилар мол-мулкини мусодара қилиш, ўзларини эса ўлим жазосига ҳукм этади...

Н. Чаушеску: Мен тан олмайман...

Айбловчи: Ҳукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ.

(«Известия»нинг 22900 ва 22907-сонларидан олинди).

АСКАРЛАР ҲАМОН ПАНАМАДА

ВАШИНГТОН. АҚШнинг 24500 солдати ҳамон Панамада турибди. Мингга яқин ҳарбий хизматчи пайшанба куни Панамадан АҚШга олиб кетилди. Бу ҳақда ПЕНТАГОНнинг расмий вакили жума куни бу ерда маълум қилди. Панамадаги АҚШнинг ҳарбий базаларида АҚШнинг деярли 12 минг кишилик ҳарбий қисмлари мунтазам туради. Бунинг маъноси шуки, ПЕНТАГОН Панамага бостириб кириши учун ана шу кучларга қўшимча равишда АҚШ Панамага 13—14 мингга яқин солдатни келтирган.

Ҳарбий маҳкама вакилининг хабар қилишича, АҚШ қўшинларининг Панамадаги операциялари чоғида жами 4300 га яқин одам ушланган. Улар мамлакат миллий мудофаа кучларининг, давлат муассасаларининг хизматчилари, ҳамда ПЕНТАГОН «Норьега режимига содиқ» деб ҳисоблаган айрим гражданлардан иборат. АҚШ қўшинлари салкам 700 панамаликни қамоқда ушлаб турибди. АҚШ қуролли кучлари мамлакат гражданларини қамаш учун ҳеч қандай ҳуқуққа эга эмас, бинобарин, Панама гражданларини Американинг ҳарбий лагерларида ушлаб туриш халқаро нормаларни бузишдир.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ИБТИДОИЙ ОДАМЛАР

● АМЕРИКА қитъаси кашф этилганига қарийб беш аср бўлмоқда. Шу давр мобайнида тараққиёт ва маданият юқори чўққига кўтарилди. Бироқ шундай бўлишига қарамай у ерда ибтидоий одамлар ҳам яшар экан. Жумладан, Суринам чегараси яқинида ҳиндуларнинг тўпи-гуарани элатига мансуб ибтидоий гуруҳлар борлиги маълум бўлди. Улар маданият ва тараққиётдан ҳали узоқда. Шунинг учун фақат овчилик билан шуғулланишиб, балиқ тутиб кун кечирадилар.

Бразилиялик тадқиқотчи Сидней Пассуэлонинг маълумотларига кўра, авоз-карвоэйру элатига мансуб бошқа бир гуруҳ ҳатто пойтахт федерал округи яқинида ҳам сақланиб қолган. Бу гуруҳлар билан алоқа ўрнатиш жуда мураккаб, дейди у, — кейинги 20 йил ичида Бразилияда 60 дан ортиқ тадқиқотчи ҳиндулар томонидан отилган ўқлардан ҳалок бўлди.

Бразилияда турли элатларга мансуб 220 мингга яқин ҳиндулар сақланиб қолган. Уларнинг 120 минг нафари Амазонияда яшайди.

АВВАЛ ФОЙДА КЕЛТИРДИ СЎНГ...

● ЎТГАН аср охирларида Кубанинг шакарқамиши плантацияларини сичқон ва каламушлар «истило» қила бошлаганди. Бунга қарши кураш учун оролга йигирма минг мангуста (кичкина йиртқич ҳайвон; бир тури заҳарли илонларга ўч бўлади) келтирилди.

Улар кемирувчиларни тезда тинчитишди. Кейин эса... уй ҳайвонлари ва қушларга зиён етказа бошлашди. Эндиликда эса мангустага қарши жиддий кураш олиб борилмоқда, дейилади Булғориянинг «Лов и риболов» журналида.

БАДАВЛАТ КАМПИР ВАСИЯТИ


● АЛАБАМ дорилфунунининг ветеринария факультети яқинда ўлган итнинг... меросхўри бўлишди.

Бундан йигирма йил муқаддам Элеонора Рич деган бадавлат кампир ўлимидан аввал ўзининг 150 та итини дорилфунун факультетига топширган эди ва итлардан ҳеч бўлмаганда биттаси 20 йилдан кам яшамаса, 12 миллионлик меросини шу факультет ҳисобига ўтказишларини васият қилганди. Ғойибдан келган бойликка эришиш учун факультет табиблари қўлларидан келган барча имкониятни ишга солдилар ва итлардан атиги биттасини 20 йилдан ортиқроқ яшашга зўрға «мажбур» этдилар. Натижада ўша ит уларга катта мерос келтирди, деб хабар беради Чехословакиянинг «100+1» журнали.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

УЧГИНГИЗ КЕЛМАЙДИМИ?

Бепоён менинг Ватаним



Мана шу суратларни кўриб бир воқеа ёдимга тушди. Москвада биз, ўзбекистонлик талабалар бир куни бўш вақтни мазмунли ўтказиш йўллари ҳақида гурунглашиб қолдик. Кимдир конькида учишни ўрганамиз, деб қолди. Яна кимдир аввал чанғида юришни эплайлик, деди. Иккинчи таклиф кўпчиликка маъқул бўлди.

М. Горький номидаги маданият ва истироҳат боғида конькида юришни ўргангани бордик. У ерда бунинг учун барча қулайликлар мавжуд эди. Хуллас олти нафар ўзбек йигити — ҳаммамиз ижарага коньки олдик. Бунгача орамизда ҳеч ким ҳали бирон марта ҳам бу матоҳни оёғига киймаган экан. Ҳазил ҳузул билан музли майдонга тушиб кетдик. Томошани кўраверинг энди. Икки қадам босмай музга ағдариламиз. Бошқалар бизга қараб кулишади. Кимдир далда берган бўлади:

— Ҳечқиси йўқ, бошланиши шунақа бўлади.

Ана шу гап оғир ботдими, ёки қизиқишми, ҳар қалай яна истироҳат боғига бордик.

Юқоридаги воқеани бежиз эсламадим. Бу борада ҳам анча муаммоларимиз бор экан.


Ўзбекистонимизда нима кўп, тоғлар, қир-адирларнинг сон саноғи йўқ. Озми, кўпми бизда ҳам қиш-қировли кунлар бўлиб туради. Лекин негадир ўзбек ёшлари орасида чанғи, коньки билан қизиқувчиларнинг орзулари амалга ошмоғи учун шароит йўқ.

Демак, бошдан дўппини олиб чуқур ўйлаб кўришга арзийдиган муаммо экан бу ҳам. Қачонгача ўзбек болалари этикнинг тагини силлиқлаб, кўчаларда сирпанчиқ учиб, ўтган кетган машиналарнинг кетига осилиб юришади?

Суратларга жиддийроқ назар ташланг-а, муз устида учиш нақадар жозибали. Тўғри, улардан мусиқа оҳанги эшитилмаяпти. Лекин буни фараз қилиш қийин эмас.

А. ҲАЙДАРОВ.

●



СУРАТЛАРДА: Москвадаги Лужники спорт саройида мамлакатимизда биринчи марта ўтказилган Олимпия ўйинлари ва дунё биринчилиги мусобақаларининг собиқ совриндорлари иштирокидаги фигурали учиш усталарининг чиқишларидан лавҳа. Бу ғаройиб спорт байрамига дунёнинг кўп мамлакатларидан вакиллар келишди. Чапдаги суратда москвалик фигурали учиш усталари Н. Бестемьянова билан А. Букин, ўнгда эса америкалик Р. Розалин.

А. ЯКОВЛЕВ суратга олган.
(ТАСС).

Ҳикмат чироғи

Халқимиз маданий тарихи тараққиётидаги нурли нуқталардан бири «Қутадғу билиг»нинг яратилганига 920 йил тўлаётир. Бутун бир ҳаёт қомуси, ҳар қандай халқнинг ору номуси бўларли бу бебаҳо достон тўққиз аср давомида авлодларни дўст-душманни, оқ-қорани фарқлашга чақиради:

Фарқлай бил, нархлай бил, айира билгин,
Иш бошин хайрга қайира билгин.

Ёшларни вақтида билим олишга, бу нақдинани элга оширишга шоширади:

Тиззангда тўлабсан йигитлик кучин,
Иззатинг борида, сарфла эл учун.

Зеро: «Қариликдан омон топар замон йўқ...!»

Достонни замонамизда «Саодатга йўлловчи билим» деб ҳам юритадилар. Биз уни «Ҳикмат чироғи» атадик. Бу ҳар икки ном ҳам беҳадик: китобда ҳаёт ҳикматлари қатма-қат бўлгандек, кимёи садоат ҳам беададдир. Қуйида асардан парчани эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Таржимон.

Юсуф Хос ҲОЖИБ.

Билим, уқув-идрок фарқи, нафи бу турур

Эй, ҳаким, тилагим — сўз эдиё сўз,
Ул сўзним — билимдан очилди бу кўз.
Уқув-идрок қора туннинг чироқ,
Билим нури билан ёнар ёхшироқ.
Идрок, билим элинг лайлатулқадри,
Бу икки туфайли ерда эр қадри.
Зийлн руҳ боис, қолмай ҳеч ниҳон,
Заковат нуридан ёриди жаҳон.
Зукколар сўзи бор, кезар узоқдан:
Дўзахий билим-ла чиқди дўзахдан.
Қаю хон дилсўз қилмишн ҳақ сўзи,
Адолат юзидан тўйди халқ кўзи;
Тамизли ёшни кўр, то етмай ёши,
Тилига бегона ақл талоши.

Идрокли қариса — арися идрок,
Нораво идрокдан қалам юргизмоқ.
Беақл, телбадан айтай бир нақл:
Бефарқдир — умрини узун, калта қил;
Ҳаётдан бебаҳра, кўнгли бенаво,
Ўлики не, тирик не — дарди бедаво.
Зукко — ҳур, билимсиз — исковуч қулдир,
Зукко — дур, билимсиз — бир ховуч кулдир.
Аслан ҳам, асрий кўр билимсиз насли,
Асилдан насддир билимли асли.
Ақл, идрок этар наслингни асил,
Яна бу, билимдан муродинг ҳосил.
Инсон билим билан қачон урди қул,
Қаро ер бетида топди ёруғ йўл.

Уқув ҳам идрокли киши асил, нек,
Билимдан битирди эл ишини бек.
Раисни вонзим, — халққа не жоиз,
Ақл, идрок боис, битди юз фоиз.
Озини оз дема, келар боз идрок,
Магар кам бўлса ҳам, билим қадрнок.
Бу тўртнинг озини оз дема зинҳор,
Донолар сўзи бор, создир, зеҳн сол:
Бу тўртдан бири — ўт, бириндир — ёғий,
Учинчи — хасталик, умринг тузоғи.
Бешинчи билимдир, билим билан бил,
Бу тўртнинг фарқини билганинг мақбул.
Ҳар бирни фойда ҳам зарари талай,
Олмоқнинг бермоғи бор-да, ҳар қалай.
Билим — кимё ул, кўзга тўтиё,
Заковат ғазнаси тўлдирган зиё.
Ажаб ўхшашдурур билим ва ипор,
Бировдан беркитиб ушламоқ душвор.
Ипорни яширсанг, ҳиди белгили,
Билимни белгили — кими бор тили.
Билим-ул бойликким, сарф билан битмас,
Ўғри уриб кетмас, шоҳ қўли етмас.
Билим, заковат ҳам кишига кишан,
Кишанким, зарарга юргизмас, ишон.
Севилган от, чунки, кишида эмиш,
Эгасин хайли ўшанда эмиш.
Кишанланган экан, қочмайди кўздан,
Тушовланган узоқ тушмайди ўздан.
Заковат — бир дўст ул, дастгирлик қилган,
Билим — қариндошдир қадрингни билган.
Билгисизга ёвдир билган, қилганк,
Ўзга ёв керакмас ундан уялган.
Туркийча масал бор, анга қулоқ сол,
Кўнглингга жойлаб ол, анга муфассал.
Донишмандга бўлиб билиг йўлдош,
Дашномга кўмилиб билимсиз боши,
Билимлига кутлуғ ризқ ўзи билим,
Билимсиз қилмиши қирқар ўз қўлин.
Эй, магар закийсан, ғазабдан асран,
Қаҳр ҳам қилмаки, шарафсиз аслан.
Бу иккисидан йироқ тушди билигник,
Қаҳр ҳам ғазабдан ўнди тириклик.
Ғазабли асабдан аҳволи доим,
Қаҳрли иши ҳам топмади доим.
Ул эркни, амулдир[1], тўғридир иши,
Ичига билигдан ёруғлик тушиб,
— Маъмулдир,[2] маъмурдир, хушфеъл, мулойим,
Кўнглида кун билан ой юрар доим.
Бу бирни билимли, танлаб бил токи,
Хом иши ҳам билимдан пишди ҳаттоки.

Ёроқли, ёроқсиз фарқини ҳам бил,
Керакли, кераксиз нархини ҳам бил,
Фарқлаб бил, нархлаб бил, айира билгин,
Иш бошин хайрга қайира билгин.
Билгили ишни кўр, пишиқ, мукаммал,
Емиши — пиширик эмиш ҳар маҳал.
Тилакка тез етди бу янглиғ киши,
Ҳар икки жаҳонда бежоғлиқ иши.
Қаҳр ҳам ғазабку жонингга ғорат,
Иккисин тамизлаган кетмагай доғи.
Кулоққа қўйиб ол доно сўзини,
Тупроққа қоришиб ғазабли киши.
Ғазабли билимсиз келди, билсанг:
Ақлсизсан, магар, қаҳр қилсанг;
Илмни ҳукмрон қил ёвуз устидан,
Хушхулқ ҳам ғазабдан кетди юзтубан.
Эшиткин, билимли на деб уқтирур,
Бу бир қанча ҳол, жонингга ёрур,
Таниб, қочсанг, келар тангнинга роҳат:
Бири — ёлғончи тил, бири — сўз бериб
Устидан чиқмаслик; пастлик бу — фиреб.
Учинчи — чоғирдир, ҳеч сезмадинг!
Умр зое кечди, бир сесканмадинг!
Тўртинчи бу — тийиқсизликким,
Ўзни тийимаган суймаган ҳеч ким.
Бу бири — бадахлоқ; аҳмоқ бус-бутун,
Одамлар уйида кўпорур тутун.
Ёмон тил — бу бири, чақса, ўлим нақд,
Ғазаб ҳам манзилга етказмас ҳар вақт.
Бу барча бирлашса, дилга чирмовуқ,
На бахт келмай, на-да қут келмай ёвуқ,
Кўз тикиб, зарар[3] ҳам ўғрилар юзини,
Феълини айнитар маҳв этар ўзини.
Кел, эйким, яхшисан, яхшилик айла,
Яхшининг иши соз, феъли чиройлик.
Эшиткин, нима дер хулқи хуш киши,
Иши ҳам халқ билан, элда эъзоз киши:
Яхшилик яшовчан, ўлмагай ҳаргиз,
Ёмонлик азиз ҳам бўлмагай ҳаргиз.
Юз асра, эъзозла, ёмон ўткинчи,
Яхшиликни ўткинчи армон, ўткинчи —
Яхши тилагинга етди, алқисса,
Ёмонлик кунига манга нинг ҳисса.

Саъдулла АҲМАД таржимаси.

1. Оғир, вазмин.
2. Мақбул.
3. Фалак.

Улардан ибрат олинг

САХИЙ ҚАЛБ

Болалар бизнинг келажагимиз, деймиз. Тўғри, лекин ана шу КЕЛАЖАКка муносабатимиз қандай! Катталар орасида дўст, борингки, душман тушунчаси мавжуд. Аммо болалар бу тушунчадан истиснодирлар. Шоир Мирза Кенжабоевнинг шундай сатри бор: «Менинг гўдаклардан душманим йўқдир...» Баъзилар ахир гўдаклардан қандай ғанимлик бўлиши мумкин, деб ўйлашлари табиий. Ҳамма гап шунда-да! Лекин болалар уйларидаги юзлаб, минглаб норасидалар, ота-она меҳрига ташна қалблар ҳам бор-ку!!

Биз ана шу норасидаларни ҳам ўз фарзандларимиздек кўра олишимиз мумкинми! Уларга оталик, оналик, акалик ва опалик меҳрини улашиш қўлимиздан келармикан!

— Келади, — дейди наманганлик Абдулла Жалолов. — Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ...

АБДУЛЛА АКАНИНГ МАКТУБИ

Мен ўзимни бир зум болалар уйидаги етим ўспириндек ҳис қилдим. Тил бисотимда энг табаррук сўзлар — «ота», «она» етишмайди. Бу сўзлар мен учун бегона. Уларни фақат ҳаёлан, ҳатто пинҳона ишлатаман. Мен билан ўқийдиган синфдош, мактабдош ўғил-қизлар кўпинча, ойим буни олиб бердилар, дадам уни олиб бердилар, дейишади. Менга эса ҳамма нарсани бир киши — ҳукумат олиб беради. Отам, ҳам, онам ҳам, укам ҳам, опам ҳам, синглим ҳам ана шу!

Чидолмадим. Ортиқча тасаввур қилишга мажол қолмади. Ота-она ёки тирик етим болалар, қариялар уйларидаги фарзанд меҳридан маҳрум ота-оналар олдида қарздорлик ҳиссини туйдим. Ахир, уларда нима айб?!

Мана, икки йилдирки, шаҳардаги болалар уйларига, Косонсойдаги қариялар уйига вақти-вақти билан бориб турамиз. «Миз» деганимга ажабланманг. Мен ёлғиз эмасман. Бошда ўзим баъзан рафиқам билан бориб турган бўлсак, ҳозир сафимизга яна анча яхши кишилар қўшилишди. Маҳалламиздаги катта-кичиклар ичида «бизни ҳам бир олиб боринг», дейдиганлар кўпайди.

Болалар уйига илк маротаба борганимда, у ердагилар менга ҳадиксираб қарашгани шундоққина кўз ўнгимда. Айниқса мутасаддилар, тарбияланувчилар кимсиз, нега келдингиз, мақсадингиз нима, деб роса сўроқлашганди. Очиғини айтдим: «Мақсадим битта — мана шу меҳрга ташна қалбларни оз бўлса-да, ёлғизлик даҳшатидан қутқариш, болаларга ота-оналик, чол-кампирларга фарзандлик меҳрини улашиш!» Ахир, болаларда нима гуноҳ? Уларнинг ота-она меҳридан ёки кекса отахон-онахонларимизнинг фарзанд меҳридан жудо бўлиб қолишларига биз — уйи, иши, оиласи бутларнинг ҳиссаси озмикан?

Болалар уйи. У ерга дастлаб борганимда, юқорида айтганимдек, ҳайрон қарши олишди: «Сиз кимнинг дадасисиз?» Атрофимни ўраб олган болакайларга: «ўғилларим, қизларим, мен ҳаммангизга дада бўла оламан, меҳрим ҳаммангизга етади», дея қўлимдаги мева-чева, қанд-қурс ва ўйинчоқларни бирма-бир уларга улаша бошладим. Ётсираган нигоҳларда қувонч, умид учқунлари порлади.

Мана, икки йилдирки, ётсирашлар йўқ. Ҳозир юздан ортиқ болаларга отадек, ўнлаб отахон-онахонларга фарзанддекман. Кечагина менга мутлақо нотаниш бўлган болалар, чоллар, кампирлар, бугун ўзимнинг туғишганларимдек.

Мен ушбу мактубни ўзимни мақташ ниятида ёзаётганим йўқ. Анчадан буён ўйлантириб келаётган бир гапни айтиш учун ёздим, холос. Гап шундаки, биргина ташриф билан болалар уйидагилар оғирини енгил қилиш маҳол. Уларни фақат давлат қарамоғига ташлаб қўйишимиз ҳам инсофдан эмас. Шунинг учун болалар уйи учун мевали боғ ташкил этишни таклиф қиламан. Буни ҳашар йўли билан қилса бўлади. Ажойиб мутахассисларимиз, миришкор боғбонларимиз, оловқалб комсомол-ёшларимиз қараб турушмас ахир. Бирон жой тайин этилса ва у ерга топган бир туп мева дарахти олиб келса, кўпчилик бўлиб бир икки кун астойдил тер тўкса, у ёғини эплаб кетиш ҳеч гап эмас. Боғдаги кўчатлар ҳосилга кириб қолса, ундан болалар уйигина эмас, балки кўплаб болалар боғчалари ҳам манфаатдор бўлишлари мумкин. Охир-оқибатда, боғни худди ана шу муассасаларнинг умумлашган ёрдамчи хўжалигига айлантирса ҳам бўлади. Азиз одамлар, бу ҳақда сизларнинг фикрларингизга, мададларингизга муштоқман».

ТАНИШУВ

Йўл-йўлакай Абдулла акани ҳаёлан кўз олдимга келтираман. Ниҳоят, ўйларимга хулоса ясайман: «Ё тирноққа зор, меҳрга ташналардан, ё топар-мон-тутармонлардан!»

Наманганда Абдулла аканинг ҳовлисига борганимда «ё» билан бошланган юқоридаги фикрларим чил-парчин бўлди. Чунки учта оила яшайдиган ҳовли сираям топармонларникига ўхшамайди. Тирноққа зор десам, ҳовли тўла бола. Суриштирсак, уларнинг бешови Абдулла аканики экан. Каттаси қиз. Мактабда олтинчида ўқийди. Кенжаси ҳам қиз. Яқинда икки ёшга тўлади. Ўртада яна бир ўғилу икки қиз.

Абдулла аканинг турмуш ўртоғи Малика опа бор гапни лўнда айтди: «Бир куни телевизорда болалар уйи ҳақида кўрсатув бўлди. Ҳамма нарса етарлигу, фақат ота-она меҳри етишмайди бу ерда, деб айтди мухбир. Эр-хотин жуда таъсирланиб кетдик. Болаларга раҳмимиз келди. Борадиган бўлдик...»

Боришди. Қарор қатъий эди. Меҳр улашишни иш, рўзғор ташвишларидан устун қўйишди. Воқеанинг бу ёғи Абдулла аканинг мактубидан сизга маълум.

Биз бу гал бирга шаҳардаги 26-сон болалар уйига бордик. Чиндан ҳам Абдулла акани ўз қадрдонларидай кутиб олишди. Қойил. Оддийгина, камтаргина кўринган одам шундайгина кўз олдимда улуғлашиб борарди. Болалар уйида 70 кичкинтой бор экан. Ҳақиқий байналмилал уй.

— Бундай инсонларга тасанно айтишимиз керак, — дейди болалар уйи директори Зоя Васильева. Улар — бизнинг маънавий бойлигимиз...

Зоя опа яна бир муҳим масалани ўртага ташлади:


— Ҳозир болани фақат отаонанинг ўзи тарбияласин, дейишяпти. Бундай фикрга қатъий қаршиман. Бундай «сиёсат»нинг меваси — тарбияси оғир болалар. Ахир ота-оналикка нолойиқ эркагу аёллар ҳам кўп-ку! Агар бу ёнида боласи, бу ёнида ўйнаши билан ётадиган аёллар (бундайлар кам эмас)га, «болангни ўзинг тарбия қил» десак, кечирилмас хато қилган бўламиз.

Биз хонама-хона юриб, кичкинтойлар билан танишдик. Мактабгача ёшдаги болакайлар. Болаликнинг энг ширин лаҳзаларида ҳаётнинг энг аччиқ қисмати... Болалар уйини Ҳ. Ҳ. Ниёзий номли Наманган Давлат педагогика институтининг мактабгача тарбия факультети оталикка олган. Муаллим ва талабалар тез-тез келиб туришади.

Абдулланинг касби ошпаз. У ўзини бошда психологга кўрсатмоқчи бўлди: «Мендаги бу ҳиссиёт ортиқча меҳрми ёки касалликмикин?»

Менимча бу ҳам битмас меҳр, ҳам инсонни қаттиқ сева олиш дарди. Буни биз кенг маънода инсонпарварлик деймиз.

Ҳайдар АКБАР,
«Ёш ленинчи» мухбири.



Туркистон ҳарбий округининг чегарачилари ҳам янги йилни юксак сиёсий ва ҳарбий тайёргарлик билан кутиб олишди. Улар қаторида чегарачи денгизчилар ҳам бор. Улар мамлакатимизнинг Амударё бўйлаб чегара чизиғини ҳамиша сергаклик билан қўриқлашмоқда.

СУРАТДА: В. Ковтун ва А. Ивановлар кема ҳарбий тайёрлигини текширишмоқда.

Р. ШАГАЕВ ва И. ХЎЖАЕВ сурати.

СОВХОЗ ҚЎРИҚХОНАСИ

Мирзачўлдаги Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли совхозда орнитологлар ҳали хабар топмаган серташвиш қушлар салтанати пайдо бўлди. Маҳаллий аҳоли ўз ҳовлиларида меҳр қўйиб ясаган кенг қафасларда қирғовул ва товуслар, колибри ва тўтиқушлар, цесарка ва беданалар жойлашган.

Бу ерга биринчилар сафида кўчиб келган чўлқувар В. Г. Керенкер ана шу ўзига хос қўриқхонанинг асосчиси бўлди. Бундан беш йил муқаддам, Виктор Готлибович аллақачон пенсияга чиқиб бўлган пайтларда тасодифан учта ғоз сотиб олган эди. Шундан кейин унинг ҳовлисида хилма-хил қирғовуллар — кумушсимон, румий, зарҳал паррандалар яшай бошлади.

Ҳозир Виктор Готлибович етмиш ёшда. Лекин ғайрат шижоатли бу одамнинг паррандаларга ишқибозлиги камаймаяпти. У зарур китобларни ўқимоқда, орнитология соҳасида тажриба орттирмоқда.

— Унинг қушларга ишқибозлиги менга ҳам «юқди», — дейди совхоз директори А. Холиқов. — Мен уйимда товус боқа бошладим. Бундан ҳордиқ чиқариш билан бирга табиатдан, унинг нафосатидан баҳра олиш ҳам мумкинлигини тушиниб етдим. Бизга қушларни парваришлашга ёрдамлашаётган фарзандларимиз ва набираларимиз эса албатта, хушфеъл ва меҳрибон кишилар бўлиб етишадилар.

**Л. ЕЛИЗАРОВ,
ЎзТАГ мухбири.**

СПОРТ ХАБАРЛАРИ

Бизга маълумки, анча йиллардан бери СССР ёшлар хоккей терма командаси жаҳон чемпионатининг юқори поғонасини эгаллаб келади. Финляндияда якунланган ёшлар ўртасидаги (20 ёшгача) жаҳон чемпионатида бу анъана бузилди.

Кейинги охирги икки ўйин натижалари қуйидагича бўлди: ЧССР — СССР — 5:8, Норвегия — АҚШ — 6:5, Канада — Швеция — 5:4, Польша — Финляндия — 1:7, СССР — Швеция — 5:5, ЧССР — Канада — 1:2, АҚШ — Финляндия — 3:6, Польша — Норвегия — 3:7.

	Ў	Ю	Д	М	Ш	О
Канада	7	5	1	1	36-18	11
СССР	7	5	1	1	50-23	11
ЧССР	7	5	0	2	51-17	10
Финляндия	7	4	1	2	32-21	9
Швеция	7	4	1	1	38-29	9
Норвегия	7	2	0	5	25-51	4
АҚШ	7	1	0	6	22-37	2
Польша	7	0	0	7	7-65	0

Канадалик ва Ватанимиз хоккейчилари чемпионатни 11 очко билан якунлашганди. Лекин олтин медаль канадалик хоккейчиларга топширилди. Сабаби, улар хоккейчиларимизни кундузги ўйинда 6:4 ҳисобида ютишганди.

* * *

В. Хидятуллин («Тулуза»), Р. Дасаев («Севилья»), А. Заваров («Ювентус»)лар шартнома тузишганидан сўнг мамлакатимиз бошқа етук футболчилари ҳам хорижий футбол клублари билан шартнома тузишга киришмоқдалар.

Ғарбий Германиянинг «Боруссия» (Дортмунт) клубида ўн кунлик синов машқларидан сўнг Москванинг «Локомотив» командаси ўйинчиси С. Горлукович 3 йиллик шартномага қўл қўйди. «Боруссия» раҳбарларининг гапларига қараганда «янги ўйинчи»дан ҳимоя чизиғини мустаҳкамлашда — олдинги ва марказий ҳимоячи сифатида фойдаланилади.

* * *

УЕФА раҳбарларига Бухарестнинг «Динамо» клуби мамлакатдаги ички вазиятларни ҳисобга олган ҳолда команданинг номини ўзгартиришганини билдиришди. Бу команданинг янги номи «Униря триколор» («Учранглилар уюшмаси») бўлди. Ҳамма гап шундаки, УЕФА қоидаларига кўра командалар ўйинларини бир хил номда давом эттиришлари зарур. Бухарестлик футболчиларнинг ҳаракати қоидага зид.

Маълумки, «Динамо» Кубок соҳибларининг кубогида иштирок этиб 1/4 финал ўйинларига чиқди. Улар Югославиянинг «Партизан» клуби билан 7 ва 21 мартда ўзаро куч синашадилар. Франс Пресс агентлигининг хабар беришича «Динамо»нинг ҳозирги тутган иши учун уни ўйинлардан четлатиш лозим дейилган. Лекин бу хабар қўллаб-қувватланмади. УЕФА бу иш бўйича махсус комиссия тузишни ва уни кўриб чиқишни белгилаган деб қайд қилди федерация раҳбарларидан бири.

Тянь-Шань ёнбағирларида

Туристларнинг Тянь-Шань тоғ ёнбағирларида жойлашган «Чимён» комплексида компьютер мактаби очилди. Унда жумҳуриятимизнинг барча вилоятларидан, Москвадан ва ҳатто Болгариядан келган 150 дан ортиқ бола ўқимоқда. Қишки таътил кунларида тўққиз қаватли шинам бино ўз келажагини программалаштириш ва электроникага бағишлашга аҳд қилган мактаб ўқувчилари ҳам ўқиб, ҳам дам оладиган жойга айланди.

Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети ҳузуридаги «Ниҳол» деб аталган изланиш, ривожланиш ва истеъдодларни қўллаб-қувватлаш жумҳурият илмий маркази билан «Вариант» деб аталган Совет-Болгар қўшма корхонаси ана шу мактаб ташкилотчилари бўлдилар. Худди шу ташкилотлар болаларни жойлаштириш ва машғулотлар ўтказишга кетадиган барча харажатларни ўз зиммаларига олдилар.

Тўққиз қаватли бино холларида «Правец» маркали 150 та шахсий компьютер ўрнатилган. Тошкентдаги, жумҳуриятимизнинг бошқа шаҳарларидаги деярли барча мактаблар шундай компьютерлар билан таъминланган. Болалар бир ҳафта давомида тўртта секцияда — программалаштириш, электроника ва архитектура, амалий программалаштириш ҳамда компьютер ўйинлари секцияларида шуғулланадилар. Москвалик ва «Вариант» корхонасининг, Ўзбекистон пойтахтидаги олий ўқув юртларининг тажрибали мутахассислари уларга информатика ва программалаштириш асосларидан маъруза ўқийдилар, шахсий компьютерларни созлашга ўргатадилар.

«Битириш имтиҳонларида» — ўрганилаётган тўртта фан юзасидан бўладиган конкурсларда машғулотларга якун ясалади.

Ўқиш халқаро классдаги чанғи йўлларида мусобақалар ўтказиш, Чимён тоғ ён-бағирларидаги қор босган манзарали ерларда фаол дам олиш билан алмашилиб туриши табиийдир. Бу эса болаларга янада тетиклик ва аъло кайфият бағишлайди.

(ЎзТАГ мухбири).

ТВ

10 ЯНВАРЬ—ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

17.30 Ўқитувчи экрани. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Байрамимиз кўркисан, салом арчажон!» Болалар учун адабий-мусиқий композиция. 18.50 Тўхтасин Жалилов номли халқ чолғу оркестри чалади. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Мушоира». Адабий кўрсатув. 20.20 «Ижтимоий масала — диққат марказида». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Камолот сари». ҚҚАССР Ленин комсомоли мукофоти лауреати Замира Хўжаназарова ва Қодир Жўрақулов. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Хайриддин Султонов. «Чангак». Видеофильм. 23.05 Янгиликлар. 23.10 Кўрсатувлар программаси.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 «Бор бўл, мусиқа!». «Хор ва биз». Болалар хорлари Бутуниттифоқ телевизион конкурси. 9.45 «Дунё бўйлаб». Альманах. 10.45 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Кхмерларнинг мусиқий фольклори» (Камбоджа). 11.00 «Ромео ва Жульетта». Фильм-балет. 12.30 «Городецк усталари». Телевизион ҳужжатли фильм. 13.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 13.30 «Тулпор — менинг дўстим». Кўп серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 14-серия «Камарг оқшомлари», 15-серия — «Палио Сиенда».

* * *

16.00 «Капитан Грантни излаб». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия — «Океания Робинзони». 17.15 «Ҳеч кимнинг кетгиси йўқ эди». Совет немисларининг мамлакатдан жўнаб кетиши билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳақида (Қозоғистон ССРнинг Толдиқўрғон вилояти). 17.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 18.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот). 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 Хоккей. Ўртоқлик учрашуви. «Филадельфия флаерз» (АҚШ) — МАСК. АҚШдан кўрсатилади. 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 «Қайта қуриш: муаммолар ва ечимлар». Мулк тўғрисида ҳамда Ердан фойдаланиш тўғрисидаги СССР Қонунларининг лойиҳасини муҳокама қиламиз. 23.15 «Сизга қўшиқ куйлаб бераман». В. Матвеева қўшиқларини Г. Хомчик ижро этади.

МТ II

17.30 «Гитарали портрет». Халқаро конкурс дипломанти Г. Вершигоранинг чиқиши (Харьков). 17.55 «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 18.00 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Келинг ҳаммамиз биргалашиб». Яҳудийлар автоном вилоятида миллий маданиятни ривожлантириш ҳақида (Хабаровск). 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурда таржимаси билан). 19.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Нарим ўлкаси: кишилар ва тақдирлар». «Чажемтовский» совхози ва замонавий қишлоқ муаммолари ҳақида (Томск). 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Туш ҳақида эртак». 20.45 «Эркин мавзуни танлайман...». 25-мактабнинг юқори синфларида тарбия ва фанларни ўқитишнинг янги шакллари ҳақида (Симферополь). 21.30 «Унутилмас мусиқий учрашувлар». Ф. Лист номли камер оркестрининг концерти. 22.00 Тарихий фильм. «Иван Грозний». 1-серия (Олмаота студияси, 1944 й.). 23.45 «Кабиса йилига саёҳат». Уфадан мусиқий кўрсатув.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси Марказқўм қошидаги Ёшларнинг хўжалик ҳисобидаги экспериментал бирлашмаси директорининг ўринбосари Дилшод Камоловга қизи СЕВАРАнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Ёш ленинчи»
МАКОНИМИЗ:
700083 ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58,
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
Газетамиз якшанба ва душанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.
Тиражи 509195 нусха
ИНДЕКС: 64607
ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ БОСМАХОНАСИ
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 2806.
Р — 03020.

Муҳаррир ўринбосари Қулман ОЧИЛ.